2 - СЕН 1992

Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир

ХАЛҚ СЎЗИ

خلق سوزی

ҲИЖРИЯ, ҚАМАРИЙ, 1413 ЙИЛ, САФАР, 25-КУН. ● ШАМСИЯ, 1371 ЙИЛ, СУМБУЛА, 3-КУН.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасининг газетаси

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган | 1992 ЙИЛ 25 АВГУСТ, СЕШАНБА, 164-СОН • 415 • | НАРХИ: СОТУВДА 2 СЎМ.

ТАРИХИНГ МАНГУЛИК БАҒРИДА ЧАҚИН, КЎКСИМНИ ҚАБАРТГАН ИФТИХОР—ХАЛҚИМ

Ўзбекистон—Ҳиндистон

ЭНДИ ПАРЛАМЕНТЛАР ҲАМ ҲАМКОРЛИК ҚИЛИШАДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси Шавкат Йўлдошев бошчилигидаги Республика парламенти делегацияси Ҳиндистон бўйлаб расмий сафардан қайтиб келди. Делегация Қорақалпоғистон Олий Кенгашининг Раиси Уббиниёз Аширбеков, Олий Кенгаш экология ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш масалалари комитетининг аъзоси, Сирдарё вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари Абдулла Турдиқулов, Олий Кенгаш Мандат комиссиясининг котиби, халқ демократик партияси Бухоро район кенгашининг биринчи котиби Саида Жўраева, Олий Кенгаш саноат, халқ истеъмоли моллари, аҳолига хизмат кўрсатиш ва савдо комитетининг аъзоси, Қўқон шаҳар назорат инспекциясининг давлат назоратчиси Баҳодир Тўйчибоев, Олий Кенгашнинг ёшларга доир сиёсат комитетининг аъзоси, Қашқадарё вилояти уруш ва меҳнат фахрийлари кенгаши раиси Соиб Усмоновлардан иборат эди.

Бир ҳафталик ушбу ташрифнинг ҳар бир дақиқаси ҳисобли бўлиб, сафар дастури ниҳоятда тиғиз тузилганди.

СУРАТДА: Ўзбекистон парламенти делегацияси аъзоларининг Ҳиндистон Президенти Даял Шарма билан учрашув пайти.

— Делегация олдига қуйидаги мақсадлар қўйилганди, — деди унинг раҳбари Шавкат Муҳиддинович Йўлдошев. — Аввало, Ўзбекистон Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг Ҳиндистонга ташрифи чоғида ўрнатилган муносабатларимизни янада мустаҳкамлаш; Ҳиндистоннинг бой тажрибага эга парламенти билан бевосита алоқалар ўрнатиш ва табиийки, қадимқадимданоқ биз билан ҳар томонлама яқин бўлган ушбу қардош мамлакатнинг тарихи, бугуни, сиёсати, иқтисоди, маданияти билан кенгроқ танишиш Ҳиндистон мустақиллик кунининг 45 йиллиги тантаналарида қатнашиш эди.

Дарҳақиқат, шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон парламенти вакиллари сафар давомида катта юмушларни амалга оширишди. Улар Ҳиндистон Республикаси Президенти Шанкар Даял Шарма, Ҳиндистон халқ Палатасининг Раиси Ширваж Патил, республика Бош вазири Нарасимха Рао, республика парламенти штатлар Кенгаши раисининг ўринбосари Хептулла, парламент ишлари бўйича давлат вазири Ғулом Наби Озод, ташқи ишлар вазири Бхатия, ички ишлар вазири Шанкаррао Чаван, парламент ва ҳукумат аъзолари таниқли сиёсий арбоблар билан учрашиб, суҳбатлашишди.

Ҳиндистон Президенти Даял Шарма билан ўтказилган мулоқот бир соатдан кўпроқ давом этди. Илиқ ва самимий вазиятда кечган ушбу суҳбат аввалида Ҳиндистон Ўзбекистон халқлари ўртасидаги дўстликнинг тарихий илдизлари ҳақида атрофлича сўз юритилди. «Халқлар ўртасидаги алоқани мустаҳкатлашда маданиятнинг аҳамияти беқиёс. Бизнинг маданиятимиз эса кўп жиҳатдан бир-бирига монанд, айниқса, мусиқамизда муштараклик яққол сезилади. Аждодларингиз — бобурийлар томонидан яратилган бетакрор меъморчилик санъати асарлари эса бизнинг маданиятимиз фахрига айланиб қолган. Ҳа, шуниям таъкидламоқчиманки, ҳинд ва ўзбек луғатида ўхшаш сўзлар анчагина. Бу ҳам бизнинг тарихий бирлигимизга гувоҳлик беради, албатта», деди Ҳиндистон Президенти.

Ўзбекистон Президенти, менинг дўстим, давом эттирди сўзини Даял Шарма олий жаноблари, жаноб Каримовнинг мамлакатимизга қилган сафаридан сўнг давлатларимиз ўртасидаги бугунги алоқаларда сифат жиҳатдан кескин ижобий ўзгаришлар содир бўлгани ҳаммамизни қувонтирди...

Учрашувда нафақат маданият, балки сиёсат, иқтисод бобидаги ўзаро ҳамкорлик, бошқа қатор масалалар, жумладан, Шарқдаги қўшни мамлакатлар билан тенг ҳуқуқли алоқалар ўрнатиш, Жанубий-Шарқий ҳамда Марказий Осиёда тинчликни муқим сақлаб қолиш муаммолари тўғрисида очиқ фикр алмашилди.

Шавкат Йўлдошев Ҳиндистон Мустақиллик куни муносабати билан Шарма олий жаноблариға, бутун ҳинд халқига Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг шахсий табригини етказди.

Мамлакат бош вазири Нарасимха Рао билан қарийб бир соат давомида ўтказилган мулоқот ҳам ниҳоятда самимий ўтди. Ўзбекистон делегацияси бошлиғи Ҳиндистон хукумати раҳбарига республикамиз Президентининг самимий саломини ва миллий байрам муносабати билан энг эзгу тилакларини етказди. Шавкат Йўлдошев Бош вазирга Ўзбекистондаги ҳозирги сиёсий, иқтисодий вазият ҳақида батафсил ҳикоя қилиб берди. Учрашувда Ислом Каримовнинг нафақат Ўзбекистон ва Ўрта Осиё, балки Шарқда тинчликни сақлаб қолишга қўшаётган ҳиссаси ҳар иккала томондан ҳам алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Суҳбат давомида Ўзбекистон билан Ҳиндистон мамлакатлари ўртасидаги ҳамкорликнинг янги-янги қирралари ҳақида ҳам сўз юритилди.

Нарасимха Рао Президент Ислом Каримовга самимий саломлар, Мустақиллик байрамининг бир йиллиги муносабати билан ўзбек халқига энг яхши тилаклар етказишни сўради.

Ўзбекистонлик вакиллар Ҳиндистон парламенти иши билан яқиндан танишишди. Улар мамлакатнинг ҳар иккала палатаси — Лок Сабха (халқ палатаси) ва Рожия Сабха (юқори палата) мажлисида меҳмон сифатида иштирок этишди. Депутатлар билан бўлиб ўтган дўстона мулоқату савол-жавоблар Ҳиндистон парламентида иш юритиш қонунларни тайёрлаш жараёни, депутатларга яратилган шарт-шароит сайловлар ва бошқа масалаларга тааллуқли бўлди. Ана шу илиқ учрашувлар давомида ўзаро фикр ҳам алмашинди. Энг асосийси эса бой тажрибага эга Ҳиндистон парламенти билан Ўзбекистон парламенти ўртасида ҳамма жабҳалар юзасидан алоқа боғлаш хусусида келишиб олинди.

Кўркам, салобатли, депутатларнинг ишлаши, парламент йиғинларининг ўтказилиши учун барча шарт-шароитлар яратилган Ҳиндистон парламенти биноси ўзбекистонлик меҳмонларда катта таассурот қолдирди. Шуни ҳам алоҳида айтиб ўтиш керакки, парламентдаги ҳамма ёзув ва ҳисоб-китоб ишлари компьютерлар зиммасига юклатилган. Парламентда компьютер маркази мавжуд. Вакилларимиз ана шу ерда ҳам бўлишиб, унинг иши билан танишдилар. Улар парламентнинг турли-туман китоблар билан бой кутубхонасига ташриф буюрдилар. Кутубхонага Алишер Навоий асарлари, Ўзбекистон ҳақидаги китоблар совға қилинди.

Ҳиндистоннинг энг катта штатларидан бири ҳисобланмиш Махараштрада ҳам Ўзбекистонлик меҳмонларни ўз бирodарларидек кутиб олишди. Махараштра маркази — қадимий ҳамда навқирон Бомбей шаҳридаги қатор учрашувлар ниҳоятда самарали ўтди. Штат губернатори, парламенти раиси, бош вазири билан алоҳида-алоҳида музокаралар олиб борилди. Ушбу штат ҳамда Қорақалпоғистон республикаси парламентлари ўртасида ўзаро ҳамкорлик режаси тузилди.

Делегация аъзолари сафар чоғида Ҳиндистоннинг таниқли ишбилармонлари билан ҳам учрашишди. Масалан, «Сабу интернейшнал ЛТД» компаниясининг бошлиғи, таниқли иқтисодчи жаноб Сабу билан бўлган мулоқотда Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти бўйича қилинаётган юмушлар, компания томонидан республикамизнинг турли вилоятларида очилиши мўлжалланилаётган қўшма корхоналар (дейлик, мармарни қайта ишлаш, цемент ишлаб чиқариш заводлари) ҳақида атрофлича фикрлашди. Шунингдек, Ҳиндистоннинг энг йирик компанияларидан бири «Компьютроникс» президенти жаноб Сингхол билан икки мамлакатлар орасида савдо алоқаларини ривожлантириш, Ўзбекистонда дори-дармон ишлаб чиқариш бўйича ва бизнинг авиакомпания билан биргаликда қўшма корхоналар қуриш тўғрисида фикр алмашилди.

17-август куни республика парламенти биносида Ислом Каримовнинг Ҳиндистонга қилган ташрифига бир йил тўлиши муносабати билан мамлакат ҳукумати томонидан тантанали маросим уюштирилди. Унда ҳукумат ва парламент аъзолари, турли жамоат ташкилотларининг вакиллари қатнашдилар. Маросимда Ҳиндистон ташқи ишлар вазири Бхатия нутқ сўзлаб, Ўзбекистон Президентининг ташрифи ҳар иккала мамлакат ўртасида сиёсий, иқтисодий, маданий муносабатлар ўрнатилишига беқиёс аҳамият касб этганлигини таъкидлади. Делегация аъзоси Уббиниёз Аширбеков ўз чиқишида ана шу тарихий ташрифдан сўнг ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш борасида Ўзбекистон, шу жумладан Қорақалпоғистон томонидан қилинган амалий ишлар ҳақида сўзлади.

Кечада ҳинд санъат усталари томонидан катта концерт намойиш этилди. Шавкат Йўлдошев ўзбек халқига, унинг Президентига кўрсатилган бундай юксак илтифот рамзи — ушбу бағоят сермазмун илиқ маросим учун делегация аъзолари номидан Ҳиндистон раҳбариятига миннатдорчилик билдирди.

Делегация аъзолари Махатма Ганди мемориали пойига гулчамбарлар қўйишди, Деҳли, Агра, Бомбейдаги қатор тарихий обидалар, бобурийлар меъморчилик санъати намучалари, Жавоҳарлаъл Неру уй-музейи, «Раж Капур фильмз» киностудияси билан танишдилар.

Анвар ЖУРАБОЕВ,
Деҳли — Бомбей — Агра — Тошкент.

ЎЗБЕКИСТОН ДЕЛЕГАЦИЯСИ КИЕВГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон давлат делегацияси 25 август куни Украина Республикасининг пойтахти Киев шаҳрига жўнаб кетди. Расмий сафар чоғида Ўзбекистон Республикаси билан Украина ўртасида давлатлараро муносабатларнинг асослари, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани имзолаш кутилмоқда.

(ЎЗА).

ЎЗБЕКИСТОН Ватаним манам

«ХАЛҚ СЎЗИ» МУХБИРЛАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ ХАБАРЛАРИДАН

ҚОИДА БУЗАРЛАР ҚУВИЛДИ

● ҲАКАМнинг ҳаракатидан норози бўлган ўйновчи бош тренер В. Бўронов югуриб келиб уни ура кетди. Бунга жавобан ҳакам уни майдондан ҳайдаб юборди.

САМАРҚАНДНИНГ «Мароқанд» ва Нукуснинг «Орол» футбол командалари ўртасидаги учрашув кутилмаган воқеаларга бой бўлди. «Мароқанд» ўйинчилари А. Карпенко, В. Гуршумов жароҳатланиб, майдонни тарк этишди. Тошкентлик ҳакам А. Кран ўйин қоидасини бузганларга уч бор сариқ ва яна қизил карточка кўрсатди. Матч сўнггида муштлашув чиқарган самарқандлик А. Кузин ва нукуслик М. Қутибоевлар ҳам майдондан қувилдилар.

ЙЎҚ ВАГОНГА—ПАТТА

● ТЕРМИЗ темир йўл вокзали кассаларидан йўқ вагонларга ҳам патта сотилади, деб хабар беради «Сурхон тонги» газетаси.

«ТОШКЕНТ — Душанбе» тезюрар поезднинг 18-вагонига патта олганлар анча эди. Ниҳоят поезд етиб келди. Фақат 18-вагонсиз. Йўловчилардан бири кассага бориб «Бу қанақаси 18-вагон йўққу, уялмайсизларми йўқ вагонга патта сотгани» деса, кассир нима қилибди денг. Йўловчи қўлидаги учта паттани шартта юлиб олибди-да, 18 рақами ўрнига «17» ёзиб унга оқ йўл тилабди. Қолган 20 дан зиёд йўловчи нима қилдийкин?

ОРОЛ ДАРДИГА ДАВО БОРМИ?

● ЎЗБЕКИСТОН Фанлар академиясининг Қорақалпоғистон бўлими Орол денгизини асрашга бағишланган жаҳон илмий анжуманига тайёрланмоқда.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН олимлари Орол денгизининг буткул қуриб қолмаслиги олдини олиш борасида концепцияга эга. Эндиги масала Ўрта Осиё Республикалари олимлари ҳамда чет эллик мутахассисларга шу қарашларни илмий асослаб беришдадир.

АДИБ ТАВАЛЛУДИ ОЛДИДАН

● АБДУЛЛА ҚАҲҲОР уй-музейи илмий кенгашининг йиғилиши бўлди.

КЕНГАШ аъзолари адиб таваллудининг 85 йиллигига тайёргарлик қандай бораётганини муҳокама қилдилар. Сўзга чиққанлар уй-музей экспонантларини ёзувчининг ҳаёти ва фаолияти даврларига қараб жойлаштириш зарурлигини айтдилар.

ҲАВАСКОР САҲНИЙ

● БЕРУНИЙЛИК ҳаваскор мусаввир Саҳи Жонаҳмедов Ўзбекистон мустақиллигининг бир йиллигига бағишланган асарларн кўргазмасини ташкил этяпти.

КЎРГАЗМА учун шаҳар марказидаги санъат саройининг кенг хоналаридан бири ажратиб берилди. Бу ерга икки юзта сурат қўйилади. Тушган пул хайрия тадбирларига сарфланади.

МУҲТОЖЛАРГА АРЗОН НАРХДА

● НАВБАҲОР районидаги «Янгиқўрғон» жамоа хўжалигида ғишт заводи ишга тушди.

ҲОЗИР кунига 25—30 мингта ғишт чиқарилмоқда. Бу қурилиш маҳсулоти аввало якка тартибда уй қураётган жамоа аъзоларига арзон нархда сотиляпти.

«ТУРОН» МЕКСИКАГА БОРАДИ

● ОКЕАН ортига сафар қилиш истагида юрган жамоалар оз эмас эди. Лекин чек андижонликларга тушди.

«ТУРОН» футболчилари дастлабки даврани якка пешқадам бўлиб якунлашди. Шу боис улар Мексикада ўтадиган VI жаҳон мусобақаларида қатнашишга муносиб деб топилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони

ЎЗБЕКИСТОН ЎҚУВ ЮРТЛАРИДА ҲАР ЙИЛИ 1 СЕНТЯБРДА «МУСТАҚИЛЛИК КУНИ»НИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Давлатимиз тарихида янги саҳифа очган Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик куни байрам қилиниши муносабати билан ва унинг ёшларни маънавий камол топтиришда жуда катта тарбиявий аҳамиятга эга эканини назарда тутиб, ўқув юртлари жамоаларининг истакларини ҳисобга олиб:

1. Ҳар йили 1 сентябрда барча мактабларда, ҳунартехника билим юртларида, ўрта махсус ва олий ўқув юртларида «Мустақиллик куни» мавзуида махсус машғулотлар, дарслар, маърузалар, тантанали йиғилишлар ва учрашувлар ўтказилсин.

2. Қарамоғида ўқув юртлари бўлган вазирликлар ва идоралар, ҳокимликлар:

— турли шакллардаги, ижодий изланиш ва байрам вазияти руҳидаги машғулотлар ва тадбирларни ўтказишга оид зарур ташкилий чораларни кўрсинлар;

— Ўзбекистон ҳаётининг барча соҳаларида рўй бераётган туб ўзгаришлардан ўқувчилар ва талабалар кенг хабардор қилинишини таъминласинлар, унинг эркин ва демократик ривожланиш истиқболларини очиб бериб, ёшларни юксак ватанпарварлик ва ватанга садоқат руҳида тарбияласинлар;

— ўқув юртларида Мустақиллик кунини байрам қилишда ёшларнинг ижодий қобилиятларини очишга кўмаклашувчи ҳамда бир хиллик ва расмиятчиликни истисно этувчи турли тадбирлар, ижодий беллашувлар, оммавий спорт мусобақалари, кўриклар, бадиий жамоаларнинг томошалари ва бошқа тадбирлар ўтказсинлар.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ўқув юртларида мустақиллик кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чоғида республика оқсоқоллари, депутатлар, фан, маданият ва санъат арбобларини, ижодий ва бошқа жамоат ташкилотларининг вакилларини, корхоналар ва муассасаларнинг раҳбарларини қатнашишга кенг жалб этсинлар.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 22 август

ҲУКУМАТ ИШЛАБ ДАМ ОЛАДИ

ТАШКИЛИЙ КОМИТЕТ МАЖЛИСИ

Мамлакатимиз аҳли қандай тантаналарнинг шоҳиди бўлмаган. Аммо юртимизда бирор байрамга бунчалик тер тўкиб тайёргарлик кўрилмаган. Чамаси, пойтахтнинг Мустақиллик майдонида кечажак тантаналарни ўтказиш ташкилий комитети мажлисида иштирок этганларнинг аксари буни ҳозирданоқ тан олди. Эрта-индин, бунга сиз ҳам иқрор бўласиз.

Мажлисда бирор нарса эътибордан четда қолмади. Дейлик, жойларда эски тузумни шарафловчи ҳайкал, шор ва белгилардан соқит бўлиш муаммосидан, сотувчи хонимларнинг иш либоси (ажойиб хонатлас, оқ қалпоқ!) Андозасигача, маҳалла-қўйлардаги озодаликдан пойтахтга келувчи меҳмонларни ким, қачон, қаерда кутиб олиб, кузатиб қўйишигача, 1 сентябрга ўтар кечаси туғилажак болакайларнинг оналарини қутлашдан, сотувга чиқажак янги буюмларгача — ҳамма-ҳаммаси яна бир бор астойдил муҳокама қилинди. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши, Тошкент шаҳри ва вилоятларнинг ҳокимлиги, вазирлик ва идораларнинг раҳбарларига мавжуд камчиликларни тезда тугатишлари учун кўрсатмалар берилди.

Бир-икки мисол: Ўша кунлари болакайлар салқам ўттиз тонна музқаймоқни еб тугатишлари керак. 31 август оқшомидан 1 сентябрь тунигача Тошкент кинотеатрларида томошалар текин бўлишини эшитгандирсиз...

Биласиз, илгари бундай тантаналардан сўнг «катта концертлар» асосан саройларда, маълум кишилар учунгина намойиш этиларди. Энди уни халқ кўради эди, концерт деганимиз, ростдан ҳам катта бўлади. Қанча томошабин кутилаётган бўлса, шунча (10 минг) ижрочи хизмат кўрсатади...

Байрам кунлари бутун мамлакат аҳли уч кун дам олади. «Ҳукумат-чи?» Кимдир шундай савол берган эди, олган жавоби қуйидагича бўлди: ҳукумат ишлаб дам олади.

Мажлисда республикамизнинг бошқа шаҳар ва қишлоқларида тантаналарга қандай тайёргарлик кўрилаётгани ҳам муҳокама этилди.

Мажлисга Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулҳошим Муталов раислик қилди.

(ЎзА).

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

УМУМИЙ ҲАРБИЙ МАЖБУРИЯТ ВА ҲАРБИЙ ХИЗМАТ ТЎҒРИСИДА

I боб. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Умумий ҳарбий мажбурият

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ мамлакатни мудофаа қилиш давлатнинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида истиқомат қилувчи барча фуқароларнинг вазифасидир. Ўзбекистон Республикасини ташқаридан бўладиган қуролли тажовуздан ҳимоя қилиш Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг Конституциявий бурчидир.

2. Умумий ҳарбий мажбуриятнинг мазмуни Ўзбекистон Республикасининг фуқароларини ўз мамлакатларини қуролли ҳимоя қилиш учун мажбурий ҳарбий тайёргарликдан ўтказишдан иборат бўлиб, республика Қуролли Кучларини бутлаш ва резерв тайёрлашни таъминлаш мақсадларида жорий этилади.

3. Умумий ҳарбий мажбурият фуқароларни ҳарбий хизматга тайёрлашни, чақирув участкаларида қайд этишни, ҳарбий хизматга чақиришни, ҳарбий хизматни (чақирув бўйича ва ихтиёрий равишда) ўташни, заҳирада хизмат қилишни, ҳарбий рўйхатдан ўтиш қоидаларига риоя этишни, умумий ҳарбий таълим беришни (уруш даврида) қамраб олади.

4. Ушбу Қонунни бажариш Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, давлат бошқарувининг марказий идоралари, ҳокимликлар, жамоат бирлашмалари, ўқув юртлари, муассасалар, корхоналар жамоа хўжаликлари кооперативлар ҳамда идоравий бўйсунуви, мулкчилик шакли ва хўжалик юритиш, шарт-шароитларидан қатъи назар, бошқа ташкилотлар зиммасига юклатилади.

Умумий ҳарбий мажбурият Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида доимий ва вақтинча истиқомат қилувчи ажнабий шахслар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга тааллуқли эмас.

5. Ушбу Қонунга мувофиқ Ўзбекистон фуқароларидан:

чақирув участкаларида қайд этилгунга қадар чақирувгача бўлган тайёргарликни ўтаётган шахслар — чақирув ёшига етмаган шахслар;

чақирилувчилар ҳисобида турган шахслар — чақирилувчилар;

ҳақиқий ҳарбий хизматни ўтаётган шахслар — ҳарбий хизматчилар;

Қуролли Кучларнинг заҳираси ҳисобида турган шахслар — ҳарбий хизматга мажбурлар;

турли сабабларга кўра ҳарбий рўйхатга олинмаган ёки бу рўйхатдан чиқариб юборилган, шу жумладан истеъфога ўтказилган шахслар — ҳарбий хизматга мажбур бўлмаган шахслар деб аталади.

6. Эркак фуқаролар, башарти, саломатликлари ва ёшлари нуқтаи назаридан ҳарбий хизматни ўташга яроқли бўлсалар, ҳарбий хизматга чақирилишлари шарт.

Шу муносабат билан улар:

ноҳия, шаҳар мудофаа ишлари идораларининг чақиришига биноан қайд ҳисобидан, тиббий кўрикдан ўтиш, ҳарбий ихтисосни ўрганишга боришга йўлланма олиш, ҳарбий хизматга ва ўқув машқлари йиғинига чақирув йўлланмасини олиш учун чақирув участкаларига келишлари;

чақирувга қадар тайёргарликдан ўтишлари, ҳарбий хизматни ўташлари ва заҳирада хизмат қилишлари;

ҳарбий рўйхатдан ўтиш қоидаларига риоя этишлари шарт.

7. Тиббий тайёргарликка эга ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган рўйхатга кўра ҳарбий ихтисосликларга турдош касб эгалари бўлган хотин-қизлар ҳарбий рўйхатга олинишлари мумкин.

Улар тиббий кўрикдан ўтиш ва ҳарбий рўйхат қоидаларини бажариш учун ноҳия, шаҳар мудофаа ишлари идораларининг чақирувига биноан ҳозир бўлишлари шарт.

Тинчлик вақтида хотин-қизлар ихтиёрий равишда битим бўйича ҳарбий хизматга киришлари мумкин. Ҳарбий рўйхатда турган ёки умумий ҳарбий таълим олган хотин-қизлар уруш даврида ҳарбий хизматга Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига биноан чақирилишлари мумкин.

2-модда. Ҳарбий хизмат ва заҳирадаги хизмат

1. Ҳарбий хизмат Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ва бошқа ҳарбий тузилмаларида умумий ҳарбий мажбуриятни бажаришлари ҳамда битимга биноан хизмат қилишлари борасидаги давлат хизматининг алоҳида туридир.

Ҳарбий хизматнинг:

муддатли ҳарбий хизмат;

аскар, денгизчи, сержант ва старшина, шунингдек прапоршик ва мичман лавозимларида битимга биноан ҳарбий хизмат;

Хотин-қизлар битимга биноан ўтайдиган прапоршчик ва мичман, шунингдек аскар ва сержант лавозимларидаги ҳарбий хизмат;

ҳарбий ўқув юртларининг курсанти (тингловчиси) сифатида ўтиладиган ҳарбий хизмат;

офицерлар лавозимларида ўталадиган ҳарбий хизматдан иборат турлари жорий этилади.

2. Тинчлик вақтида заҳирадаги хизмат — ўқув машқлари йиғинида қатнашишдан, уруш вақтида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг, шунингдек Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Стратегик Кучларининг сафарбар этилгани ва ёйилганида ҳарбий хизматга мажбурлардан ҳарбийлар рўйхатида қайд этилган ихтисослари бўйича талаб қилинадиган билим, кўникма ва маҳоратни сақлаб қолиш ҳамда такомиллаштиришдан иборатдир.

3. Ҳарбий хизматга биринчи марта чақирилган ёки ихтиёрий равишда ҳарбий хизматга кирган Ўзбекистон Республикасининг халқига ва Президентига содиқ эканликлари тўғрисида Ҳарбий қасамёд қабул қиладилар.

Муқаддам Ҳарбий қасамёд қабул қилмаган ҳарбий хизматга мажбурлар йиғинга ёки сафарбарликка чақирилган вақтда Ҳарбий қасамёд қабул қиладилар.

3-модда. Муқобил (меҳнат) хизмат

Муқобил хизмат Ўзбекистон Республикасининг «Муқобил (меҳнат) хизмат тўғрисида»ги Қонуни билан тартибга солиб борилади.

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Кучларини ва бошқа қўшинларини ҳарбий хизматчилар билан бутлаш

Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Кучлари ва бошқа қўшинлари:

умумий ҳарбий мажбурият асосида фуқароларни ҳарбий хизматга чақириш;

фуқароларнинг битимга биноан ҳарбий хизматга кириши орқали бутланади.

Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Кучлари ва бошқа қўшинларини уруш вақтида тақозо этиладиган штатлар даражасигача ҳарбий хизматчилар билан қўшимча равишда бутлаш ушбу Қонунда ва бошқа қонун ҳужжатларида белгилаб берилади.

5-модда. Ҳарбий хизматчилар, ҳарбий хизматга мажбурларнинг таркиби ҳамда уларнинг ҳарбий унвонлари

1. Ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий хизматга мажбурлар оддий аскарлар, сержантлар ва старшиналар таркибига, прапоршчиклар ва мичманлар таркибига ҳамда офицерлар таркибига бўлинади.

Офицерлар таркиби — кичик, катта ва олий офицерлар таркибига бўлинади.

2. Ҳар бир ҳарбий хизматчи ва ҳарбий хизматга мажбурга тегишли ҳарбий унвон берилади. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ва бошқа қўшинларида ҳарбий унвонлар — қўшинлар унвонлари ва кема таркибидаги унвонларга бўлинади.

Қуролли Кучларда қуйидаги унвонлар жорий этилади:

Қўшинлар унвонлари	Кема таркибидаги унвонлар
Оддий аскарлар таркиби	
оддий аскар	матрос
Сержантлар ва старшиналар таркиби	
кичик сержант	2-даражадаги старшина
сержант	1-даражадаги старшина
катта сержант	бош старшина
старшина	кеманинг бош старшинаси
Прапоршчиклар ва мичманлар таркиби	
прапоршчик	мичман
катта прапоршчик	катта мичман
Кичик офицерлар таркиби	
кичик лейтенант	кичик лейтенант
лейтенант	лейтенант
катта лейтенант	катта лейтенант
капитан	капитан-лейтенант
Катта офицерлар таркиби	
майор	3-даражали капитан
подполковник	2-даражали капитан
полковник	1-даражали капитан
Олий офицерлар таркиби	
генерал-майор	
генерал-лейтенант	
генерал-полковник	
армия генерали	
Ўзбекистон Республикаси Маршали	

Заҳира ёки истеъфодаги фуқароларнинг ҳарбий унвонларига тегишинча «заҳирадаги» ёки «истеъфодаги» деган сўзлар қўшилади.

3. Ҳарбий унвонлар «Мудофаа тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташи тўғрисида»ги Низомга мувофиқ берилади.

4. Офицерлар таркибига кирувчиларни ҳарбий унвондан маҳрум қилиш оғир жиноят учун маҳкум этилганларида суднинг қарорига биноан ангина мумкин бўлади.

Аскар, матрос, сержант ва старшина лавозимларида (оддий аскар ва матрос унвонига эга шахслардан ташқари) муддатли хизматни ва битимга биноан хизматни ўтаётган прапоршчиклар (мичманлар), ҳарбий хизматчилар Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Интизомий Уставида белгиланган тартибдагина ҳарбий унвондан маҳрум этилишлари ёки уларнинг ҳарбий унвонлари пасайтирилиши мумкин.

5. Ҳарбий унвонни тиклаш «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташи тўғрисида»ги Низом талабларига мувофиқ амалга оширилади.

6-модда. Ҳарбий лавозимлар

1. Ҳарбий лавозимлар (ҳарбий хизматчилар эгаллаши лозим бўлган штат лавозимлари) ва уларга мувофиқ келадиган ҳарбий унвонлар Ўзбекистон Республикаси ҳарбий қисмларининг, ҳарбий бошқарув идоралари ва муассасаларининг, ҳарбий ўқув юртларининг штатларида назарда тутилади.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида олий раҳбарлик лавозимларига тайинлаш Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан, бошқа лавозимларга тайинлаш эса Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа вазири томонидан амалга оширилади.

2. Ҳарбий лавозимлар:

оддий аскарлар таркиби лавозимлари;

сержантлар ва старшиналар таркиби лавозимлари;

прапоршчиклар лавозимлари:

офицерлар таркиби лавозимларидан иборат бўлади.

3. Ҳарбий хизматчилар ўз розилигига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида ҳарбий хизматда қолдирилган, шунингдек ижтимоий ҳимояланиш ҳуқуқлари сақланган ҳолда давлат-ҳуқуқ ва мудофаа йўналишидаги вазифаларини бажариш учун давлат ҳокимияти ва бошқаруви идораларига ишга йўлланиши мумкин.

4. Ҳарбий хизматчиларни хизматда юқори лавозимга ўтказиш «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташи тўғрисида»ги Низомда белгилаб берилади.

7-модда. Ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий кийим-кечаклари ва фарқловчи нишонлари

1. Ҳарбий хизматчилар, шунингдек ҳарбий хизматга мажбурлар йиғинларда иштирок этаётганда ҳарбий унвонни ва қўшин турини фарқловчи нишонлари бўлган ҳарбий кийим-кечакда юрадилар.

Ҳарбий кийим-кечак ва фарқловчи нишонлар Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан тасдиқланади.

2. Қайси идорага тегишли эканлигидан қатъи назар, ишчи ва хизматчилар учун ҳарбий хизматчиларнинг кийим-кечагини ва фарқловчи нишонларини жорий этиш тақиқланади.

3. Ҳарбий кийимда юриш ҳуқуқига эга бўлмаган ҳолда фуқароларнинг ҳарбий кийимда юриши, шунингдек ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий кийим-кечакларини ва фарқловчи нишонларини тақиқлаш ёки ҳўрлаш Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига мувофиқ жазоланади.

II боб. ФУҚАРОЛАРНИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТГА ТАЙЁРЛАШ

8-модда. Чақириш ёшига етмаганларни ва чақирилувчиларни ҳарбий хизматга тайёрлаш

1. Чақириш ёшига етмаганлар ва чақирилувчилар билан тайёргарлик ишлари олиб борилади, бу иш қуйидагиларни қамраб олади: Ўспиринларни чақиришга қадар тайёргарликдан ўтказиш; чақирилувчиларни ҳарбий-техника ихтисослари бўйича тайёрлаш; ҳарбий ўқув юртларига ўқишга киришга тайёрлаш; жисмоний жиҳатдан тайёрлаш, даволаш-соғломлаштириш ишлари ўтказиш; умумий олган таълимининг савиясини ошириш; давлат тилини ўргатиш; ватанпарварлик руҳида тарбиялаш.

2. Чақириш ёшига етмаганлар ва чақирилувчиларни ҳарбий хизматга тайёрлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси раҳбарлиги остида вилоятлар, ноҳиялар, шаҳарлар, шаҳарлардаги ноҳияларнинг ҳокимликлари томонидан амалга оширилиб, бу идоралар ўспиринларни ҳарбий хизматга тайёрлаш ишларини пул билан таъминлайдилар, моддий базасини вужудга келтирадилар ва ўспиринларни ҳарбий хизматга тайёрлаш учун жавобгар бўладилар.

Чақириш ёшига етмаганлар ва чақирилувчиларни ҳарбий хизматга тайёрлашнинг ташкил этилишини амалга оширилишини ва бу ишнинг натижаларини назорат қилиб бориш, чақиришга қадар бўлган тайёргарликни дастурий ва услубий жиҳатдан таъминлаш ишлари Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, шунингдек ўқув юртларини тасарруф этувчи вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари томонидан амалга оширилади.

9-модда. Чақиришга қадар тайёргарлик ишлари

Ўспиринларни чақиришга қадар тайёрлаш ишлари, шу жумладан уларни фуқаролар мудофаасига тайёрлаш ишлари мажбурий фан бўлиб, умумий таълим мактабларида (шу жумладан гимназиялар, лицейлар ва ўрта умумтаълим ўқув юртларининг бошқа турларида), ҳунар-техника билим юртларида битириш йили арафасидаги синфларда, курсларда штатдаги ҳарбий раҳбарлар томонидан ўқитилади.

Чақиришга қадар тайёргарлик даражаси паст бўлган ўспиринлар чақиришдан олдин Ўзбекистон Республикаси ҳокимликлари томонидан корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда уюштириладиган мудофаа-спорт-соғломлаштириш лагерларида чақиришга қадар қўшимча тайёргарликдан ўтадилар.

10-модда. Чақирилувчиларни ҳарбий-техника ихтисослари бўйича тайёрлаш

Чақирилувчиларни ҳарбий-техника ихтисослари бўйича тайёрлаш, яъни:

ҳунар-техника билим юртлари ўқувчилари орасидан бўлган чақирилувчиларни ҳарбий рўйхатга киритилган сохага ўхшаш ихтисослар бўйича тайёрлаш — бевосита ана шу билим юртларида;

ишловчи ва вақтинча ишламаётганлар жумласидан, шунингдек ҳунар-техника билим юртларида ҳарбий рўйхатга киритилган ихтисосга даҳли бўлмаган мутахассислик бўйича таълим олаётган ўқувчилар орасидан бўлган чақирилувчилар тайёрлаш — Ўзбекистон Республикаси мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» жамиятининг ўқув ташкилотларида амалга оширилади.

Бундай таълимга 17 ёшга тўлган, саломатлигига кўра ҳарбий хизматга яроқли бўлган ҳамда ўқишни битиргач ҳарбий хизматга чақирилиши лозим бўлган чақирилувчилар жалб этилади.

Ҳарбий-техника ихтисосликлари бўйича тайёргарликдан ўтказилиши лозим бўлган чақирилувчиларнинг сони, шунингдек ихтисосликларнинг ва дастурларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда белгиланади ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» жамиятининг мактабларида чақирилувчиларни ҳарбий-техника ихтисосликлари бўйича тайёрлашни пул билан таъминлаш унинг Марказий Кенгаши орқали республика бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

11-модда. Олий ўқув юртларида заҳирадаги офицерларни тайёрлаш

1. Заҳирадаги офицерларни тайёрлаш олий ўқув юртларининг талабаларига олий ўқув юртларияро ҳарбий тайёргарлик ўқув марказларида (ҳарбий кафедралар ёки цикларда) таълим бериш орқали амалга оширилади.

Олий ўқув юртларининг кундузги бўлимида ўқиётган, саломатлигига кўра ҳарбий хизматга яроқли талабалар (27 ёшгача бўлган эркаклар) ҳарбий тайёргарлик курсини, тиббиёт олий ўқув юртларининг талаба хотин-қизлари — ҳарбий тиббий тайёргарлик курсини ўтадилар.

Талабаларни ҳарбий тайёргарлик курсларига қабул қилиш ихтиёрий асосларда (талабаларнинг шахсий аризаларига биноан) амалга оширилиши мумкин. Муддатли ҳарбий хизматни ўтаган шахслар ҳарбий тайёргарликни юқори курсларда ўтайдилар.

2. Олий ўқув юртларияро ўқув марказларида (ҳарбий кафедралар ёки цикларда) ҳарбий тайёргарлик курсини ўтган, таълим дастурини ўзлаштирган, белгиланган давлат имтиҳонларини топширган шахслар кичик лейтенант унвони олганларидан кейин заҳирадаги офицерлар ҳисобига киритиладилар. Олий ўқув юртларияро ўқув марказларида таълим курсини муваффақиятли тугаллаб, офицер лавозимида ҳарбий хизматни ўташ истагини билдирган эркак талабалар дастлабки офицерлик унвони олганлари ва олий ўқув юртини битирганларидан кейин қўшинларга жўнатилишлари мумкин. Бунда олий ўқув юртида ўқиш даври ҳарбий хизмат муддатига қўшилади.

Олий ўқув юртларининг кичик курсларида сержантлар тайёрлаш дастурини ўтган ёки юқори курсларда ҳарбий таълим олишни давом эттиришни рад этган, ҳарбий тайёргарлик таълими олиш истагини билдирмаган талабалар (олий ўқув юртини битиргандан кейин) ушбу Қонунга мувофиқ муддатли ҳарбий хизматни ўташга жалб этиладилар.

3. Заҳирадаги офицерларни тайёрлаш дастурларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш вазифаси Мудофаа вазирлиги билан биргаликда олий ўқув юртларини тасарруф этувчи вазирликлар (қўмиталар) зиммасига юклатилади.

Олий ўқув юртларияро ҳарбий тайёргарлик ўқув марказларининг (ҳарбий кафедралар ёки цикларнинг) йўналишларини, заҳирадаги офицерлар ихтисосларининг рўйхатини Мудофаа вазирлиги белгилайди ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайди.

4. Таркибида олий ўқув юртларияро ўқув марказлари (ҳарбий кафедралар ёки цикллар) ташкил этилган олий ўқув юртларига эга бўлган вазирликлар ва давлат бошқарувининг бошқа идоралари ҳарбий тайёргарликни алоҳида модда бўйича пул билан таъминлайдилар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг кўмагида зарур ўқув-моддий базани яратадилар.

5. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги талабаларнинг ҳарбий тайёргарлиги устидан назоратни, ўқув юртларияро ўқув марказларининг, ҳарбий кафедралар (цикллар)нинг бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари лавозимига ушбу олий ўқув юртини тасарруф этувчи вазирликлар ва идоралар билан келишган ҳолда, бошқа лавозимларга эса — олий ўқув юртларининг ректорлари билан келишган ҳолда офицерлар танлаш тайинлашни амалга оширади.

Олий ўқув юртларияро ўқув марказларининг, ҳарбий кафедраларнинг (цикларнинг) ҳарбий лавозимига тайинланган ҳарбий хизматчилар Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг кадри сифатида қоладилар ва ҳақиқий ҳарбий хизматдагилар учун белгиланган барча имтиёзлардан фойдаланадилар.

12.модда. Ҳарбий ўқув юртига кириш ва ҳарбий хизматга тайёрлаш тартиби. Жисмоний тайёргарлик. Даволаш соғломлаштириш ишлари. Умумтаълим тайёргарлик савиясини ошириш. Давлат тилини ўрганиш. Ватанпарварлик руҳида тарбиялаш

1. Ҳарбий ўқув юртига кириш истагини билдирган фуқаролар ҳарбий лицейларда, умумтаълим ўқув юртларида (гимназияларда, лицейларда), Ўзбекистон Республикаси мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» жамиятининг ташкилотларида, ҳарбий ўқув юртлари қошидаги тайёрлов курсларида ёки мустақил равишда тайёргарликдан ўтадилар.

2. Чақириш ёшига етмаганлар ва чақирилувчиларни жисмоний жиҳатдан тайёрлаш жисмоний тарбия дастурига мувофиқ халқ таълими, жисмоний тарбия ва спорт давлат бошқаруви идоралари, спорт жамиятлари ва клублари, даволаш муассасалари томонидан корхоналар, муассасалар ва ташкилотлардаги мудофаа-спорт-соғломлаштириш лагерларида амалга оширилади.

3. Ўспиринлар ўртасида даволаш соғломлаштириш ишлари соғлиқни сақлаш идоралари ва муассасалари томонидан уларнинг турар жойларида, иш ёки ўқиш жойларида, даволаш муассасаларида, даволаш-олдини олиш ва даволаш соғломлаштириш муассасаларида ташкил этиладиган ўсмирлар хоналари ва поликлиникаларида уюштирилади ҳамда ўтказилади.

15—17 ёшдаги ўспиринлар ҳар йили чақирилувчиларни тиббий кўрикдан ўтказишга жалб этиладиган мутахассис врачлар томонидан тиббий кўрикдан ўтказилади.

4. Таълимни бошқариш давлат идоралари чақирилиш ёшига етмаганлар ва чақирилувчиларнинг тарбия, умумтаълим тайёргарлик даражасини ошириш юзасидан зарур чора-тадбирларни кўришлари, давлат тилини яхши билмайдиган ёки мутлақо билмайдиган ўсмирлар билан давлат тилини ўрганиш бўйича қўшимча машғулотлар ўтказишни уюштиришлари ва ўтказишлари шарт.

13-модда. Ҳарбий хизматга тайёргарликка жалб этиладиган фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

1. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ҳунар-техника таълимининг ўқув ташкилотларида, Ўзбекистон Республикаси мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» жамиятининг ўқув ташкилотларида ҳарбий-техника ихтисосликлари бўйича тайёргарлик кўришга жалб этилган фуқароларнинг иш ўрни ва эгаллаган лавозими уларнинг юқоридаги вазифаларни бажаришларининг бутун даврида, шу жумладан ўқиш (йиғин) ўтказиладиган жойга бориш ва орқага қайтиш даврида сақлаб қолади.

2. Чақирилувчиларнинг таълим олиш (йиғинлар) даврида ижарага олган уй-жойларга қилган ҳаражатлари, ўқиш жойига бориш ва у ердан қайтишнинг (башарти, бошқа аҳоли пунктига бориш билан боғлиқ бўлган бўлса) йўлкира қиймати, шунингдек ўртача ойлик иш ҳақи асосий иш жойида тўланади. Ишламайдиган чақирилувчиларнинг ана шундай ҳаражатлари, шунингдек кун кечиришнинг белгиланган энг кам миқдоридаги нафақа ҳокимиятлар томонидан тўланади.

3. Ҳарбий-техник ихтисослар бўйича чақиришга қадар тайёргарликдан ўтишга жалб этилган фуқаролар машғулотларда қатнашишлари шарт.

III боб. ФУҚАРОЛАРНИ ЧАҚИРИШ ПУНКТЛАРИДА ҚАЙД ЭТИШ. ҲАРБИЙ ХИЗМАТГА ЧАҚИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ (КИРИШ)

14-модда. Фуқароларни чақириқ участкаларида қайд этиш

1. Фуқароларни чақириқ участкаларида қайд этиш ўспиринларни рўйхатга олиш, уларнинг сонини, ҳарбий хизматга қай даражада яроқли эканлигини аниқлаш, умумтаълим савияси, эгаллаган ихтисоси ва жисмоний тайёргарлигини билиб олиш мақсадида ўтказилади.

Фуқароларни қайд этиш учун ноҳияларда (шаҳарларда) чақириқ участкалари ташкил этилади.

2. Чақириқ участкаларида ҳар йили январ-март ойларида шу йил 17 ёшга тўладиган фуқаролар қайд этиладилар.

Қайд қилиш қайд қилинадиган фуқароларнинг турар жойларидаги ноҳия (шаҳар) мудофаа ишлари идоралари томонидан ўтказилади.

Чақириқ участкаларида қайд қилинадиган фуқароларни врачлар, шу жумладан жарроҳлар, терапевтлар, асаб касалликлари, руҳий касалликлар, кўз касалликлари, қулоқ, томоқ, бурун касалликлари, тиш касалликлари мутахассислари, заруратга қараб бошқа ихтисосдаги врачлар тиббий кўрикдан ўтказадилар.

3. Уй-жойдан фойдаланиш ташкилотлари, уйлардан фойдаланишни амалга оширувчи корхоналар ва муассасалар, уй эгалари, шунингдек ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчиларни дастлаб рўйхатга олиш вазифаси юклатилган ҳокимиятлар, корхоналар, ташкилотлар ва ўқув юртларининг кадрлар бўлимлари Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги белгилаган муддатларда ҳар йили тегишли ноҳия (шаҳар) мудофаа ишлари идораларига чақириқ участкаларида қайд этилиши лозим бўлган ўспиринларнинг рўйхатини берадилар.

4. Чақириқ участкасида қайд этиш учун фуқаролар чақирув қоғозида кўрсатилган муддатда мудофаа ишлари идораларига келиб, зарур ҳужжатларни тақдим этишлари шарт.

5. Фуқароларни чақириқ участкаларида қайд этиш ишларини ўтказиш учун ноҳияларда (шаҳарларда) тегишли комиссиялар тузилади.

6. Чақириқ участкаларида қайд этилган фуқаролар чақирилувчилар деб ҳисобланади. Уларга чақирилувчининг қайд этилганлиги тўғрисидаги гувоҳномаси берилади, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ҳарбий рўйхатга олиш ва ҳарбий хизматга тайёрлаш тартиби тушунтирилади.

Қайд этилган вақтдан бошлаб фуқаролар ҳарбий рўйхатга киритиладилар.

15-модда. Чақирув ёши. Фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга чақириш

1. Тинчлик вақтида саломатлигига кўра ҳарбий хизматга яроқли бўлган ва чақирув куни 18 ёшга тўлган Ўзбекистон фуқароси бўлмиш йигитлар муддатли ҳарбий хизматга чақириладилар.

Фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга чақириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорига асосан йилига икки марта: май-июнь ва ноябрь-декабрь ойларида ўтказилади.

Вазирлар Маҳкамасининг Қарори чақирув бошланишига камида бир ой қолганида оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори эълон қилинганидан кейин ҳар бир чақирилувчи, шу жумладан вақтинча рўйхатда турган чақирилувчи чақирув қоғозида кўрсатилган муддатда чақирув пунктида ҳозир бўлиши шарт. Муддатли ҳарбий хизматни ўтамаган ва ҳарбий рўйхатга киритилмаган чақирув ёшидаги фуқаролар, шунингдек доимий истиқомат жойидан вақтинча бошқа жойга кетиб қолган ва у ерда ҳарбий рўйхатда турмаган чақирилувчилар турар жойларидаги мудофаа ишлари идораларига боришлари шарт.

2. Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоа хўжаликлари, кооперативлар ва ўқув юртларининг раҳбарлари хизмат сафарида бўлган чақирилувчиларни чақиртириб олишлари ва уларнинг чақириқ участкасида ўз вақтида ҳозир бўлишини таъминлашлари шарт.

3. 18 ёшга тўлган ва 18 ёшдан катта чақирилувчиларнинг ҳарбий рўйхатда туриш жойини ўзгартиришга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг навбатдаги чақирув тўғрисидаги Қарори эълон қилингунига қадар йўл қўйилади. Қарор эълон қилинганидан кейин эса фақатгина айрим ҳолларда, башарти чақирилувчи мудофаа ишлари идораларига:

бошқа жойдаги ишга ўтказилганлигини;

янги истиқомат жойига кўчиб ўтганлигини;

ўқув юртига қабул қилинганлиги ва таълим олишни давом эттириш учун кетаётганлиги ёки ўқув юртини тугатиб, йўлланма бўйича ишга жўнатилаётганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этганидан кейин ҳарбий рўйхатда туриш жойини ўзгартириши мумкин.

4. Қуйидагилар:

фуқаронинг чақириқ участкасига шахсан келишига имкон бермаган касаллиги;

яқин туғишганининг вафот этгани ёки оғир бетоблиги;

фуқарога боғлиқ бўлмаган ҳолда, уни кўрсатилган участкаларга ва муддатларда шахсан етиб келишига тўсқинлик қилган табиий офат ва шунга ўхшаш бошқа вазиятлар фуқаронинг мудофаа ишлари идоралари белгилаган муддатларда чақириқ участкаларига етиб келмаганлигининг узрли сабаблари ҳисобланади.

Ҳозир бўлмаганлик сабаблари тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланиши лозим.

Тинчлик вақтида:

ушбу Қонуннинг 17 ва 18-моддаларига мувофиқ чақирувдан озод этилган;

ўтказилаётган дастлабки суриштирув ёки тергов дахлдор бўлган шахслар; жиноий ишга дахлдор бўлган шахслар иш то судда узил-кесил қараб чиқилиб, айблов ёки оқлов хулосаси чиқарилгунга қадар;

шунингдек, Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига эга бўлмаган шахслар муддатли хизматга чақирилмайдилар.

16-модда. Чақирув комиссиялари

1. Фуқароларнинг муддатли ҳарбий хизматга чақирувини ўтказиш учун ноҳияларда, шаҳарларда, вилоятларда, Қорақалпоғистон Республикасида чақирув комиссиялари тузилади. Чақирув комиссияларининг таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят, шаҳар ва ноҳия ҳокимлари томонидан вилоят, шаҳар ва ноҳия ҳарбий бошқарув идораларининг муқаррар иштирокида белгиланади.

Юқори турувчи чақирув комиссиялари зиммасига:

чақирув муддатини кечиктириш ёки чақирувдан озод қилганлик қай даражада тўғри эканлигини текшириш;

чақирилувчиларни ҳарбий касб-корларга тайинлашда уларнинг тажрибаси, қобилияти, қизиқишлари ва шахсий имкониятларини ҳисобга олиши қай даражада асосли бўлганлигини назорат қилиш;

фуқароларнинг ноҳия (шаҳар) чақирув комиссияларининг хатти-ҳаракатлари устидан қилган шикоятларини қараб чиқиш вазифалари юклатилади.

Муддатли ҳарбий хизматга чақирилганларни, шунингдек ноҳия (шаҳар) чақирув комиссияларининг тиббий кўрик натижаларига ҳамда қарорига норозилигини баён этган шахсларни ҳарбий қисмларга жўнатишдан аввал назорат тарзида тиббий кўрикдан ўтказишни Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг ҳарбий врачлар комиссиялари амалга оширадилар.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар чақирув комиссиялари ноҳия (шаҳар) чақирув комиссияларининг қарорларини кўриб чиқиш ва бекор қилиш ҳуқуқига эгалар.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар чақирув комиссиясининг қарорлари устидан давлат бошқаруви идоралари ва мансабдор шахсларнинг фуқаролар ҳуқуқларини камситувчи ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан шикоят қилиш учун белгиланган тартибда халқ судига шикоят қилиши мумкин.

2. Ҳарбий хизматга чақирилаётган барча фуқаролар Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланадиган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги Низомга мувофиқ мутахассис врачларнинг тиббий кўригидан ўтишлари шарт.

3. Чақирилувчини тиббий кўрикдан ўтказиш натижаларига, унинг маънавий ва касбий хислатларини ўрганишга, шунингдек оила аъзоларининг моддий ва ижтимоий аҳволини ўрганиб чиқиш натижаларига мувофиқ ноҳия (шаҳар) чақирув комиссияси:

ҳарбий хизматга яроқлилиги ва қўшин турини белгилаган ҳолда ҳарбий хизматга чақириш тўғрисидаги;

муқобил хизматга яроқлилиги ва муқобил хизматга чақириш тўғрисидаги;

саломатлигига кўра ҳарбий хизматга вақтинча яроқсизлиги тўғрисидаги;

ушбу Қонуннинг 17 ва 18-моддаларига асосан муддатли хизматга чақиришни кечиктириш ёки чақиришдан озод қилиш тўғрисидаги;

саломатлигига кўра тинчлик вақтида ҳарбий хизматга яроқсизлиги, уруш вақтида чекланган равишда яроқлилиги ва заҳирага ўтказиш тўғрисидаги;

ҳарбий рўйхатдан чиқарган ҳолда ҳарбий хизматга яроксиз деб топиш тўғрисидаги қарорлардан бирини қабул қилади.

17-модда. Чақириш муддатини кечиктириш

1. Муддатли ҳарбий хизматга чақириш муддатини узайтириш:

фуқароларнинг оилавий шароити, саломатлигининг ёмонлашганлиги муносабати билан ўқишни давом эттиришлари учун ноҳия (шаҳар) чақирув комиссиясининг қарорига биноан амалга оширилади.

Қуйидаги чақирилувчиларнинг чақириш муддати оилавий шароитга кўра узайтирилади, чунончи:

а) чақирилувчининг отаси ва онаси ёки улардан бири меҳнатга қобилиятсиз бўлиб, улар билан бирга ёки айрим ҳолда истиқомат қилишдан қатъи назар, ўзларини боқиши шарт бўлган бошқа меҳнатга қобилиятли ўғли бўлмаса. Ота-оналарнинг меҳнатга қобилиятсизли

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

УМУМИЙ ҲАРБИЙ МАЖБУРИЯТ ВА ҲАРБИЙ ХИЗМАТ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 2-бетда).

2. Табиий офат рўй берган жойлардан кўчирилган чақирилувчиларнинг чақириш муддати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан кўчирилган вақтдан бошлаб кўпи билан 2 йилга кечиктирилади.

3. Чақирилиш муддатини кечиктириш ҳуқуқини йўқотган чақирилувчилар, шунингдек чақирилиш муддатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган ёки ушбу Қонуннинг 17-моддасида назарда тутилган чақирилишдан озод бўлиш асослари бўлмаган шахслар ва турли сабабларга кўра муддатли хизматга чақирилмаганлар қўшинларга жўнатиш қунигача 27 ёшга тўлгунга қадар навбатдаги чақириш амалга оширилаётганда чақириладилар.

18-модда. Муддатли ҳарбий хизматга чақиришдан озод этиш

Тинчлик вақтида:

тинчлик вақтида саломатлиги ёмонлашганлиги учун ҳарбий хизматга яроқсиз деб топилган;

27 ёшга тўлгунига қадар муддатли ҳарбий хизматга ёки муқобил хизматга чақирилмаган;

рўйхатдан ўтказилган диний идораларнинг бирида диний рутбага эга бўлган;

туғишган ака-укаларидан бири муддатли ҳарбий хизматни ўташ вақтида ҳалок бўлган ёки ўлган чақирилувчилар муддатли ҳарбий хизматга чақирилишдан озод этиладилар.

19-модда. Заҳирадаги офицерларни ҳарбий хизматга чақириш

Муддатли хизматни ўтамаган 40 ёшгача бўлган ва (17-моддага биноан) чақирилиш муддатини кечиктириш асосларига эга бўлмаган офицерлар Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирининг буйруғига биноан тинчлик вақтида 18 ой давомида офицерлар таркибига кирувчи лавозимларда ҳарбий хизматни ўташ учун чақирилишлари мумкин.

Кейинчалик эса офицер ихтиёрий равишда ҳарбий хизматни ўташи мумкин. Бунда олий ва ўрта махсус ўқув юртида таълим олиш даври ва ҳарбий рўйхатдаги ихтисосликка мос келадиган узлуксиз иш стажи ҳарбий хизмат муддатига қўшилади.

20-модда. Битимга биноан ҳарбий хизматга (кириш) қабул қилиш (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан жорий этилади)

1. Ҳарбий хизматнинг талабларига жавоб берувчи қуйидаги фуқаролар, чунончи:

чақирувга биноан камида бир йил оддий аскарлар, сержантлар ва старшиналар таркибида хизматни ўтаган ҳамда ихтисоси бўйича тегишли ҳунар бўйича тайёргарликка эга бўлган ҳарбий хизматчилар битимга биноан аскарлик ва сержантлик лавозимидаги ҳарбий хизматга;

19 ёшдан 30 ёшгача бўлган оддий аскарлар, сержантлар ва старшиналар таркибидаги лавозимларда хотин-қизлар бажарадиган ҳарбий хизматга;

муддатли хизматни ўтаб бўлган оддий аскарлар, сержантлар ва старшиналар таркибига кирувчи ҳарбий хизматчилар, офицерлар таркибига кирувчи ҳарбий унвонларга эга бўлмаган ҳарбий хизматга мажбурлар — 30 ёшга тўлгунга қадар, шунингдек 19 ёшдан 40 ёшгача бўлган олий ва ўрта махсус маълумотли, тегишли ихтисос тайёргарлигига эга хотин-қизлар — прапоршчиклар лавозимидаги ҳарбий хизматга;

17 ёшдан 21 ёшгача бўлган фуқаролар, шу жумладан ўқишга қабул қилинган йили 17 ёшга тўлган фуқаролар, шунингдек офицерлар таркибига кирувчи ҳарбий унвонларга эга бўлмаган 18 ёшдан 23 ёшгача бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий хизматга мажбурлар — ҳарбий ўқув юртларининг курсантлари лавозимидаги ҳарбий хизматга;

заҳирадаги офицерлар ва офицерлар таркибига кирувчи унвонлар берилган 40 ёшгача бўлган хотин-қизлар — офицерлар таркибига кирувчи ҳарбий хизматга ихтиёрий равишда қабул қилинадилар.

2. Ҳарбий хизматга қабул қилинаётган фуқаролар мажбурий тиббий кўрикдан ўтадилар.

21-модда. Фуқароларни ҳарбий хизматга чақирилганлиги ёки қабул қилинганлиги муносабати билан моддий таъминлаш

1. Ҳарбий хизматга чақирилган ёки қабул қилинган фуқароларга иш жойидан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига мувофиқ ишдан бўшаганлик нафақалари тўланади.

2. Фуқаролар ҳарбий рўйхатдан ўтиш, ҳарбий хизматга чақирилиш ёки кириш билан боғлиқ вазифаларни бажаришлари учун кетадиган зарур вақт давомида ишдан (ўқишдан) озод этилиб, уларнинг доимий иш (ўқиш) жойидаги ўртача иш ҳақи (ўқиш пули) сақлаб қолинади.

3. Ҳарбий ўқув юртларига кираётган фуқаролар ўқув юртига бориш ва у ердан қайтиш, кириш имтиҳонларини топшириш учун кетадиган зарур вақт давомида ишдан озод этилиб, доимий иш жойидаги лавозими ва ўртача иш ҳақи сақланиб қолади.

4. Мудофаа ишлари идоралари томонидан диспансер ёки стационар текширувга юборилган фуқароларнинг тиббий текширувда бўлган бутун давр учун иш жойи ва эгаллаб турган лавозими, ўртача иш ҳақи сақланиб қолади, текширув жойига бориш ҳамда у ердан қайтишга кетган ҳаражатларини иш (ўқиш) жойида қоплайди. Фуқаро стационар даволанишга юборилганида унга иш жойидан Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда меҳнат қобилиятини вақтинчалик йўқотганлик нафақаси тўланади.

IV боб. ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИ ЎТАШ

22-модда. Ҳарбий хизматни ўташ тартиби, ҳарбий хизматда бўлиш ёшининг чегараси

1. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби ушбу Қонун, «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташи тўғрисида»ги Низом билан белгилаб берилади.

2. Ҳарбий хизматда бўлиш ёшининг чегараси:

а) хизматни битимга биноан ўтаётган аскарлар, денгизчилар, сержантлар ва старшиналар учун — 45 ёшгача;

б) оддий аскарлар, сержантлар ва старшиналар таркибидаги лавозимларда хизмат қилаётган хотин-қиз ҳарбий хизматчилар учун, шунингдек прапоршчиклар ва мичманлар учун — 45 ёшгача;

в) кичик офицерлар учун — 43 ёшгача;

г) катта офицерлар учун — 45 ёшгача, полковниклар (1 даражадаги капитанлар) учун — 50 ёшгача;

д) олий офицерлар учун: генерал-майор, генерал-лейтенант ҳарбий унвонидагиларга — 55 ёшгача, генерал полковник ҳарбий унвонидагиларга — 60 ёшгача, армия генералларига — 65 ёшгача қилиб белгиланади.

Илмий даража ва илмий унвонга эга бўлган офицерларнинг, шунингдек юксак касб маҳоратига, эгаллаб турган лавозимида амалий иш тажрибасига эга бўлган, саломатлигига кўра ҳарбий хизматни ўташга яроқли офицерларнинг хизмат муддати Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири томонидан беш йилгача узайтирилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири хизматни битимга биноан ўтаётган аскарлар, денгизчилар, сержантлар ва старшиналарнинг, шунингдек прапоршчик ва мичман лавозимидаги ҳарбий хизматчиларнинг, шу жумладан, хотин-қиз ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий хизматда бўлиш ёшининг чегарасини беш йилгача узайтириш мумкин.

Ҳарбий хизматда бўлиш ёшининг чегарасига етган ҳарбий хизматчилар «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташи тўғрисида»ги Низом билан белгиланган тартибда заҳирага бўшатилишлари лозим.

23-модда. Ҳарбий хизмат муддатлари

Ҳарбий хизмат муддатлари календарь ҳисобда:

а) аскар, сержант ва старшиналар учун: хизматни чақирувга биноан ўтаётганларга — 18 ой (олий маълумотли шахслар учун — 12 ой), биринчи битимга биноан ўтаётганларга 3 йил;

б) аскар, сержант лавозимларидаги хотин-қизлар учун — биринчи битимга биноан камида 3 йил;

в) прапоршчиклар учун — биринчи битимга биноан камида 5 йил;

г) ҳарбий хизматга заҳирадан чақирилган офицерлар учун 12 ой, ҳарбий хизматга ихтиёрий равишда келганлар учун камида уч йил қилиб белгиланади. Ушбу моддада белгиланган ҳарбий хизмат муддати тугаганидан сўнг бу хизмат офицерларининг истагига кўра давом эттирилиши мумкин.

24-модда. Ҳарбий хизматнинг бошланиши ва тугаши

1. Чақирилувчилар ва заҳирадан чақирилган офицерлар учун — ҳарбий қисмга жўнаш мақсадида мудофаа ишлари идораларига келган кун;

хотин-қиз ҳарбий хизматчилар учун — мудофаа ишлари идораларининг кўрсатмасига мувофиқ хизмат жойига жўнаб кетилган кун;

ҳарбий хизматга мажбур бўлган чақирилувчилар учун ҳарбий ўқув юртларига ўқишга қабул қилинган кун ҳарбий хизматнинг бошланиши ҳисобланади.

2. Ҳарбий қисм командирининг буйруғига биноан ҳарбий хизматдан бўшатилиши, истеъфога чиқиши муносабати билан шахсий таркиб рўйхатидан чиқарилган кун — ҳарбий хизматчи учун ҳарбий хизматнинг тугаши ҳисобланади.

25-модда. Ҳарбий ўқув юртлари курсантлари ва тингловчиларининг ҳарбий хизмати

1. Ҳарбий ўқув юртларида таълим олаётган фуқаролар курсантларнинг ва (тингловчиларнинг) ҳарбий хизматида бўлиб, башарти, улар офицерлар таркибига кирувчи унвонга эга бўлмасалар — курсантлар деб, агар бундай унвонларга эга бўлсалар — тингловчилар деб аталадилар.

2. Ҳарбий ўқув юртига киргунга қадар ҳарбий унвонга эга бўлмаган фуқароларга ўқишга қабул қилиниш чоғида «оддий аскар» ҳарбий унвони берилади. Ҳарбий ўқув юртига киргунга қадар берилган бошқа ҳарбий унвонлар сақлаб қолинади.

Курсантларнинг ҳарбий хизматни ўташига доир масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири томонидан тасдиқланадиган «Мудофаа вазирлигига қарашли олий ҳарбий ўқув юртлари тўғрисида»ги Низом ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Кучлари умумқўшин уставларида белгилаб берилади.

Курсантлар амалдаги қонунларда назарда тутилган ҳуқуқлар, имтиёзлар ва афзалликлардан фойдаланадилар ҳамда вазифаларни бажарадилар.

3. Ҳарбий ўқув юртидан чиқарилган курсантлар заҳирага бўшатиладилар ёки агар, муддатли ҳарбий хизмат муддатини ўтамаган бўлсалар, ҳарбий хизматни давом эттириш учун ҳарбий қисмларга юборилади.

26-модда. Ҳарбий хизматдан бўшатиш

1. Ҳарбий хизматчилар ҳарбий хизматдан:

а) башарти, ҳарбий хизматчилар заҳирада бўлиш ёшининг чегарасига етмаган бўлсалар, саломатликларига кўра уруш ёки тинчлик вақтида ҳарбий хизматни ўташга яроқли бўлсалар — заҳирага;

б) башарти, ҳарбий хизматчилар заҳирада бўлиш ёшининг чегарасига етган бўлсалар ёки ҳарбий-врачлар комиссияси томонидан саломатлигига кўра ҳарбий хизматни ўташга яроқсиз деб топилсалар — ҳарбийлар рўйхатидан чиқарилган ҳолда истеъфога;

в) башарти, ҳарбий хизматчилар белгиланган ёш чегарасига етишларига беш йил ва ундан кам муҳлат қолса-ю, узоқ йил хизмат қилганлик учун пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлсалар — ёшга кўра;

г) ҳарбий-врачлар комиссиясининг ҳарбий хизматга яроқсизликка доир қарорига асосан саломатлигининг ёмонлашганлиги туфайли;

д) штатларнинг қисқарилиши, хизматда фойдаланиш имкони бўлмаган тақдирда ташкилий тадбирлар муносабати билан;

е) хизматга номувофиқлиги туфайли;

ж) маҳкум этилганлиги муносабати билан бўшатиладилар.

3. Ҳарбий мажбурларнинг йиғинларини ўтказиш муддати ва вақти ушбу Қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан белгиланади.

4. Ҳарбий хизматга мажбурлар йиғинлар оралиғидаги даврда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг режасига биноан 10 кунлик муҳлатга сиғинов йиғинига жалб этилишлари мумкин.

5. Заҳирада бўлиш вақтида жами йиғинларнинг умумий вақти 4 ойдан ошмаслиги керак. Бунда ҳарбий унвон олиш учун тайёргарлик йиғинида бўлиш вақти ҳам заҳирадаги офицерларнинг йиғинларда иштирок этиши умумий муддатига қўшилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан ҳарбий хизматга мажбурлар Ўзбекистон Республикасининг тинч қаёт фаолиятига таҳдид солиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятнинг олдини олиш ёки унинг оқибатларини тугатиш учун 2 ойгача муддатга махсус йиғинларга чақирилишлари мумкин.

7. Йиғинларга чақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгиланган тартибда ва миқдорларда нақд пул билан таъминланадилар. Йиғинда бўлишнинг бутун даврида, шу жумладан йиғин ўтказиладиган жойга бориш ва у ердан орқага қайтиш учун кетадиган вақт давомида уларнинг эгаллаб турган лавозимлари (ишлари) сақлаб турилади ва уларга иш жойидан ўртача иш ҳақи тўланади.

Ўқтириб ўтилган шахслар йиғинга бориш тўғрисидаги чақириқ қоғозини олган кундан бошлаб то йиғиндан қайтгунга қадар ишдан бўшатилиши мумкин эмас, корхона, муассаса ва ташкилот тўлиқ тугатилган ҳоллар бундан мустаснодир. Бундай ҳолларда ҳарбий хизматга мажбурларга тааллуқли иш ҳақи ёки бошқа моддий тўловлар тугатилган корхона, муассаса ёки ташкилот ёҳуд уларнинг ҳуқуқий вориси томонидан тўланади.

Шахсий секторда ишлаётган ҳарбий хизматга мажбурларни йиғинларга чақириш тартиби, шунингдек улар йўқлигида ишлаб чиқаришга етказилган зарар учун товон тўлаш йўл-йўриқлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгилаб берилади.

Башарти, ҳарбий хизматга мажбур шахс йиғин вақтида бетоб бўлиб қолса ва йиғинлар тугаганидан кейин ҳам бетоб бўлса, унинг иш жойи ва лавозими сақланади, йиғин тугаган кундан бошлаб эса — унга иш ҳақи ўрнига амалдаги қонунларга мувофиқ меҳнат қобилиятини вақтинчалик йўқотганлик нафақаси тўланади.

30-модда. Ўқув машқлари йиғнида иштирок этишдан озод қилиш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхат бўйича бронлаб қўйилган ҳарбий хизматга мажбурлар ўқув машқлари йиғинида қатнашишдан озод қилинадилар.

31-модда. Заҳирадаги ҳарбий унвонларни бериш

Ўқув машқлари йиғинида иштирок этиб, таълим дастури бўйича синовларни муваффақиятли топширган ҳарбий хизматга мажбурларга «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташи тўғрисида»ги Низомда белгиланадиган тартибда заҳирадаги подполковник унвонигача (полковник унвони ҳам шунга киради) навбатдаги ҳарбий унвонлар берилиши мумкин.

32-модда. Ҳарбий хизматга мажбурларни истеъфодагилар ҳисобига ўтказиш

Заҳирада бўлиш ёшининг чегарасига етган, шунингдек ҳарбий-врачлар комиссияси ҳарбий хизматга яроқсиз деб топган ҳарбий хизматга мажбурлар ҳарбий рўйхатидан чиқарилиб, истеъфодагилар ҳисобига ўтказиладилар.

V боб. ЗАҲИРАДАГИ ХИЗМАТ

27-модда. Заҳирадагилар рўйхатига олиш. Заҳира тонфалари

1. Ҳарбий хизматчидан бўшатилган, шунингдек муддатли ҳарбий хизматга чақиришдан озод этилган фуқаролар (саломатлигининг ёмонлашганлиги туфайли ҳарбий ҳисобидан чиқарилганлардан ташқари) заҳирадагилар рўйхатига олинадилар.

2. Заҳира биринчи ва иккинчи тонфаларга бўлинади.

Ҳарбий хизматда камида 18 ой хизмат қилиб, шу даврда ичида ҳарбий ихтисослар рўйхатига кирадиган мутахассисликни эгаллаган ҳарбий хизматга мажбурлар биринчи тоифадаги заҳирага кирадилар.

12 ойдан кам ҳарбий хизмат қилган ёки ҳарбий хизматга чақирилмаган ҳарбий хизматчилар иккинчи тоифадаги заҳирага кирадилар.

Иккинчи тоифадаги заҳирага кирадиган ҳарбий хизматга мажбурлар ўқув машқлари йиғинида ҳарбий ихтисослар рўйхатига кирадиган мутахассисликни ёки тегишли фуқаролик касбини эгаллаганлари тақдирда биринчи тоифа заҳирага ўтказиладилар.

Ҳарбийлар рўйхатига олинган хотин-қизлар иккинчи тоифадаги заҳирада бўладилар.

3. Заҳирага ўтказилган шахслар вақти-вақти билан тиббий кўрикдан ўтишга юборилишлари мумкин. Бунда ҳарбий хизматни ўтамаган ҳолда саломатлигига кўра заҳирага ўтказилган ҳарбий хизматчилар 27 ёшга тўлгунга қадар ҳарбий хизматга яроқли деб топилсалар, чақирилувчиларнинг рўйхатига қайта киритилиб, улар умумий асосларда муддатли ҳарбий хизматга чақирилишлари лозим.

28-модда. Заҳирада бўлиш ёшининг чегараси. Заҳира даражалари

1. Заҳирадаги ҳарбий хизматга мажбурлар ёшига қараб уч даражага бўлинади. Учинчи даража заҳирада бўлиш ёшининг чегараси умуман заҳирада бўлиш ёшининг чегараси ҳисобланади.

2. Аскарлар, сержантлар ва старшиналар, прапоршчиклар ва мичманларнинг заҳирада бўлиш ёшининг чегараси қуйидагичадир:

биринчи даражадагилар учун — 35 ёшгача;

иккинчи даражадагилар учун — 45 ёшгача;

учинчи даражадагилар учун — 50 ёшгача.

3. Офицерлар таркибидан бўлган шахслар заҳирада қуйидаги энг юқори ёшгача бўладилар:

Ҳарбий унвонлар	Ёш чегараси		
	1-даражадаги заҳира	2-даражадаги заҳира	3-даражадаги заҳира
Кичик офицерлар	45	50	55
Катта офицерлар	50	55	60
Олий офицерлар	55	60	65

4. Ҳарбий хизматга мажбур хотин-қизлар, ўзларига берилган ҳарбий унвондан қатъий назар,учинчи даражадаги заҳирада бўладилар. Уларнинг заҳирада бўлиш ёшининг чегараси қуйидагича белгиланади:

офицерлар таркибига кирувчи шахслар учун — 50 ёш;

бошқа ҳарбий хизматга мажбур хотин-қизлар учун — 40 ёш.

29-модда. Йиғинларда қатнашиш

1. Ҳарбий хизматга мажбурлар заҳирада бўлиш вақтида: ўқув (синов) машқларига ва махсус машқларга чақириладилар.

Йиғинларга чақирилган ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий хизмат шарт-шароитларидан келиб чиқадиган ҳуқуқ ва мажбуриятлари ушбу Қонун ва «Ҳарбий хизматчиларнинг мақоми, уларнинг ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида»ги Қонун билан белгиланади.

2. Офицерлар таркибига кирувчи ҳарбий унвонларга эга бўлмаган ҳарбий хизматга мажбурлар, заҳирада бўлиш вақтларида йиғинларга қуйидаги муддатларга чақириладилар.

Даража	Ўқув машқлари йиғини муддатлари
биринчи даража	ҳар бири бир ой муддатли иккита йиғинга
иккинчи даража	ҳар бири бир ой муддатли иккита йиғинга
учинчи даража	бир ой ўқув машқлари йиғини

Заҳирадаги офицерлар таркибига кирувчи шахслар заҳирада бўлиш вақтларида қуйидаги муддатларга ўқув йиғинларига чақирилишлари мумкин:

Даража	Ўқув машқлари йиғини муддати
1 даража	уч йил давомида — бир ойгача муддатга
2 даража	ҳар бири бир ой муддатли икки йиғинга
3 даража	бир марта бир ойлик йиғинга

VI боб. ҲАРБИЙ ХИЗМАТГА МАЖБУРЛАР ВА ЧАҚИРИЛУВЧИЛАРНИНГ ҲАРБИЙ РЎЙХАТГА КИРИТИЛИШИ

33-модда. Ҳарбий рўйхатга киритишнинг умумий қоидалари

Ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчилар ҳарбий рўйхатга киритилишлари лозим. Ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчиларни ҳарбий рўйхатга киритиш давлатнинг мавжуд бўлган ва ҳарбий хизматга яроқли чақирилувчиларининг ҳисобини олиш ва таҳлил этиш умумдавлат тизими ҳисобланади. Ҳисобга олиш тизимининг амал қилиши Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, вилоят, ноҳия ва шаҳар ҳокимликлари томонидан таъминланади.

Ҳарбий хизматга мажбурларнинг ва чақирилувчиларнинг барчасини ҳарбий рўйхатга киритиш ишлари уларнинг турар жойларида ўтказилиб, умумий, махсус, шахсий-сифат кўрсаткичи ва шахсий-бошланғич рўйхатга бўлинади.

34-модда. Умумий ва махсус рўйхат

Умумий ҳарбий ҳисобда чақирилувчилар, шунингдек, сафарбар этиш даврида ва уруш вақтида халқ хўжалиги учун бронлаштириб қўйилмаган ҳарбий хизматга мажбурлар бўладилар.

Сафарбар этиш даври ва уруш вақтида халқ хўжалиги учун бронлаштириб қўйиладиган ҳарбий мажбурлар ҳарбийларнинг махсус рўйхатида бўладилар.

35-модда. Шахсий-сифат кўрсаткичи рўйхати ва шахсий-бошланғич рўйхат

Ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчиларнинг шахсий-сифат кўрсаткичи рўйхатини юритиш ноҳия (шаҳар) мудофаа ишлари идораларига юклатилади.

Мудофаа ишлари идоралари йўқ бўлган қишлоқ жойларида, шаҳарлар ва посёлкаларда ҳарбий хизматга мажбурлар ҳамда чақирилувчиларнинг шахсий-бошланғич рўйхатини юритиш ишлари тегишли ҳокимликлар томонидан амалга оширилади.

Ишловчи ёки таълим олаётган ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчиларни номма-ном рўйхатга олиш қайси идорага бўйсуниши, мулкчилик шакли ва хўжалик юритиш шарт-шароитларидан қатъий назар корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва ўқув юртлари томонидан амалга оширилади.

36-модда. Ҳарбий рўйхатга киритиш ва ундан чиқариш

1. Ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирув бўйича хизмат қилиб заҳирага бўшатилган шахслар ҳарбий рўйхатдан расмийлаштирилиш учун турар жойларга қайтиб келганларидан кейин 3 кунлик муддат ичида мудофаа ишлари тегишли идораларига ҳозир бўлишлари шарт.

2. Турар жойи бир ярим ойдан кўпроқ муддатга ўзгаргани, уч ойдан кўпроқ муддатга хизмат сафари, ўқиш, таътил ёки даволанишга боргани тақдирда ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчилар турар жойларидаги ҳарбий рўйхатдан чиқишлари, янги турар жойга (доимий ёки вақтинчалик) келганларидан сўнг ўн кунлик муддат ичида ҳарбий рўйхатдан ўтишлари лозим.

Уруш вақтида ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчиларнинг ноҳия (шаҳар) мудофаа ишлари бўлими бошлиғининг рухсатисиз доимий истиқомат жойидан бошқа жойга кетиши ман этилади.

3. Ушбу модданинг 2-бандида ўқтириб ўтилган ҳолларда ҳарбий рўйхатдан чиқиш ва ҳарбий рўйхатдан ўтишни расмийлаштириш учун ҳарбий хизматга мажбурлар уй-жойдан фойдаланиш идорасига ҳарбий билетларини топширишлари лозим.

Қишлоқ жойига келган ёки у ердан кетаётган ҳарбий хизматчилар ҳарбий рўйхатдан ўтиш ёҳуд ҳарбий рўйхатдан чиқишни расмийлаштириш учун ҳарбий рўйхатга доир ҳужжатлари билан тегишли ҳокимликка шахсан келишлари лозим.

Заҳирадаги офицерлар ҳарбий рўйхатдан чиқиш ёки ҳарбий рўйхатдан ўтишни расмийлаштириш учун ноҳия (шаҳар) мудофаа ишлари бўлимига шахсан келишлари лозим.

4. Олис ва бориш қийин бўлган аҳоли пунктларида истиқомат қилувчи заҳирадаги офицерларни ҳарбий рўйхатга киритиш ва ҳарбий рўйхатдан чиқаришни расмийлаштириш ноҳия (шаҳар) мудофаа ишлари бўлими белгилайдиган тартибда шахсий-бошланғич ҳисобни юритиш вазифаси зиммасига юклатилган тегишли ҳокимликлар амалга оширишлари мумкин.

5. Қуйидаги фуқаролар:

а) врачлар комиссияси томонидан ҳарбий хизматга яроқсиз деб топилган фуқаролар ҳарбий рўйхатдан чиқарилган ҳолда;

б) заҳирада бўлиш ёшининг чегарасига етган фуқаролар;

в) ҳарбий хизматга чақирилган ёки қабул этилган фуқаролар,

г) бошқа доимий истиқомат жойига жўнаб кетган фуқаролар;

д) вафот этган фуқаролар ҳарбий рўйхатдан чиқарилишлари лозим.

37-модда. Давлат идоралари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва ҳарбий хизматга мажбурларнинг ҳарбий рўйхат қоидаларига риоя этиш борасидаги вазифалари

1. Шахсий-бошланғич рўйхат юритиш вазифаси юклатилган ҳокимликлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва ўқув юртларининг раҳбарлари мудофаа ишлари идораларининг талабига биноан ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчиларни чақирилаётганликларидан воқиф этишлари ҳамда уларнинг чақирув бўйича ўз вақтида ҳозир бўлишларини таъминлашлари шарт.

2. Ички ишлар идоралари:

ҳарбий рўйхатга доир ҳужжатларда мудофаа ишлари идораларининг ҳарбий рўйхатга олинганлик ёки ундан чиқарилганлик тўғрисидаги белгилари бўлган тақдирдагина ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчиларни турар жойларида рўйхатга олишлари ёки рўйхатдан чиқаришлари;

чақириш ёшига етмаганларни ҳарбий рўйхатга олишда, фуқароларнинг ҳарбий хизматга (йиғинларга) чақирувини ўтказишда, ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчилар ҳарбий рўйхат қоидаларига риоя этишлари устидан назорат қилишда ва ҳарбий рўйхатнинг белгиланган қоидаларини бузувчи ҳарбий хизматга мажбурлар ҳамда чақирилувчиларни аниқлашда мудофаа ишлари идораларига ёрдам кўрсатишлари ва кўмаклашишлари;

умумий ҳарбий мажбуриятни, шунингдек муқобил хизматни ўташдан бўйин товлаган шахсларни қидириб топиш, ушлаш ва мудофаа ишлари идораларига етказиб келишни ташкил этишлари шарт.

3. Фуқаролик ҳолати ҳужжатларини қайд этиш идоралари ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчилар ўз фамилияси, исми, отасининг исмини ўзгартирганлиги тўғрисида, фуқаролик ҳолатини қайд ҳужжатларига уларнинг туғилган куни ва жойига ўзгартиришлар киритилганлиги ҳақида, шунингдек ҳарбий хизматга мажбур ёки чақирилувчиларнинг вафоти қайд этилган ҳоллар тўғрисида етти кунлик муддат ичида ноҳия (шаҳар) мудофаа ишлари бўлимларига маълум қилишлари шарт.

4. Суриштирув ва дастлабки тергов идоралари суриштирув ва дастлабки тергов олиб борилаётган ишга дахлдор бўлган чақирилувчилар тўғрисида, судлар эса суд қараб чиқаётган жиноий ишга дахлдор хизматга мажбурлар ва чақирилувчиларга дахлдор бўлган қонуний кучга кирган ҳукмлар тўғрисида ноҳия (шаҳар) мудофаа ишлари бўлимларига етти кунлик муддат ичида маълум қилишлари шарт.

Озодликдан маҳрум этилган (шу жумладан шартли маҳкум этилган) ҳарбий хизматга мажбурларнинг ҳарбий билетлари ва чақирилувчиларнинг гувоҳномалари судлар томонидан тегишли мудофаа ишлари бўлимларига юборилади.

5. Врачлардан иборат меҳнат эксперт комиссиялари қайси гуруҳ ногирони эканлигидан қатъий назар, ногирон деб топилган барча ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчилар тўғрисида тегишли ноҳия (шаҳар) мудофаа ишлари бўлимларига етти кунлик муддат ичида маълум қилишлари шарт.

Чақирув ўтказилаётган вақтда даволаш муассасалари даволаш учун қабул қилинган чақирув ёшидаги барча фуқароларни уч кунлик муддат ичида тегишли ноҳия (шаҳар) мудофаа ишлари бўлимларига маълум қилишлари шарт.

6. Уй-жойлардан фойдаланиш идораларининг раҳбарлари ва уй эгалари тегишли мудофаа ишлари бўлими ва ҳарбий рўйхатни юритиш вазифаси юклатилган ҳокимликнинг талабига биноан ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчиларга доир уй дафтарлари, турар жойда рўйхатдан ўтказишга доир варақалар, ҳарбийлар рўйхатига доир ва бошқа ҳужжатларни тақдим этишлари, шунингдек ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчиларни мудофаа ишлари бўлимларига чақиртирилганликларидан воқиф этишлари шарт.

7. Оилавий шароитлари, сиҳат-саломатликлари, турар жойлари, маълумотлари, иш жойлари ва лавозимлари ўзгаргани тақдирда ҳарбий хизматга мажбурлар ҳамда чақирилувчилар ўзлари ҳарбий рўйхатда турган жойдаги идорага етти кунлик муддат ичида маълум қилишлари шарт.

VII боб. САФАРБАРЛИК БЎЙИЧА ЧАҚИРИШ ВА ҲАРБИЙ ХИЗМАТДАН БЎШАТИШ ТЎҒРИСИДА

38-модда. Уруш вақтида сафарбарлик бўйича ҳарбий хизматга чақириш ва ундан кейинги чақириқлар

1. Ўзбекистон Республикасига қарши қилиниши эҳтимол тутилган ҳарбий ҳужумнинг олдини олиш ва тажовузга қуролли зарба бериш мақсадида умумий ва қисман сафарбарлик эълон қилинганда зарур миқдордаги ҳарбий хизматга мажбурлар заҳирадан ҳарбий хизматга уч ойгача муддатга чақирилади. Бу муддат Ўзбекистон Республикасининг Олий Кенгаши томонидан узайтирилиши мумкин.

Фуқароларни уруш вақтида сафарбарлик бўйича ҳарбий хизматга чақириш ва ундан кейинги чақириқлар Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан тасдиқланадиган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари асосида ўтказилади.

2. Сафарбарлик эълон қилинганида ҳарбий хизматда ва ҳарбий йиғинларда бўлган барча фуқаролар махсус фармойиш берилгунига қадар ушлаб туриладилар, ҳарбий хизматга мажбурлар эса ҳарбий хизматга чақириладилар. Ҳарбий хизматчиларнинг таътиллари тўхтатилади. Ҳарбий хизматга мажбурлар ўзлари ҳарбий рўйхатга олинган жойдаги ноҳия (шаҳар) мудофаа ишлари бўлимига, ҳарбий хизматчилар эса ўзлари хизмат ўтаётган жойга келишлари шарт. Сафарбарлик эълон қилинганида ноҳия чақирув комиссияларининг чақирув ёшидаги фуқароларни чақириш муддатини кечиктириш ва уларни чақиришдан озод этиш тўғрисидаги қарорлари бекор қилинади. Кейинчалик чақирув муддатини кечиктириш ва чақиришдан озод этиш фақатгина саломатлигига кўра, махсус рўйхатда турганлигига қараб амалга оширилиши мумкин.

3. Уруш вақтида сафарбарлик эълон қилинганида ва ундан кейинги чақириқларда ҳарбий хизматга 17 ёшдан то ушбу Қонунда белгиланган заҳирада бўлиш ёшидаги ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчилар ҳамда ҳарбий рўйхатда турмаган 18 ёшдан 45 ёшгача бўлган хотин-қизлар (16 ёшгача бўлган болалари бор хотин-қизлар бундан мустасно) чақирилишлари мумкин.

4. Уруш вақтида сафарбарлик бўйича ҳарбий хизматга чақириш ва ундан кейинги чақириқлар фақатгина мудофаа ишлари бўлимлари томонидан ўтказилади.

39-модда. Уруш вақтида сафарбарлик бўйича ҳарбий хизматга чақириш ва ундан кейинги чақириқлар муносабати билан фуқароларни моддий жиҳатдан таъминлаш

1. Уруш вақтида сафарбарлик бўйича ва ундан кейинги чақириқлар бўйича ҳарбий хизматга чақирилган фуқаролар билан иш (хизмат) жойида тўла ҳисоб-китоб қилинади, уларга амалда ишлаган вақтлари учун иш ҳақи, ишдан бўшаганда бериладиган нафақа ва фойдаланилмаган таътил учун товон тўланади.

Уруш вақтида сафарбарлик ва ундан кейинги чақириқлар бўйича ҳарбий хизматга чақирилган шахсларнинг эгаллаб турган уй-жойлари ўз номларида қолади.

2. Уруш вақтида сафарбарлик ва ундан кейинги чақириқлар бўйича ҳарбий хизматга чақирилган фуқароларнинг оилаларини давлат томонидан таъминлаш (ёрдам кўрсатиш ва пенсия) мавжуд қонунларга мувофиқ амалга оширилади.

40-модда. Сафарбарликдан бўшатиш

1. Сафарбарликдан бўшатиш Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан тасдиқланадиган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига асосан амалга оширилади.

2. Ҳарбий хизматдан сафарбарликдан сўнг бўшатилаётган

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

УМУМИЙ ҲАРБИЙ МАЖБУРИЯТ ВА ҲАРБИЙ ХИЗМАТ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 2-, 3-бетларда).

15 ёшдан 55 ёшгача бўлган — эркаклар;

болалари бўлмаган ёки болалари 8 ёшдан катта бўлган 18 ёшдан 45 ёшгача бўлган — хотин-қизлар жалб этиладилар.

Фуқароларнинг умумий ҳарбий таълими ишлаб чиқаришдан ёки ўқишдан ажралмаган ҳолда, иш, ўқиш ёки турар жойларда амалга оширилади.

2. Умумий ҳарбий таълимни ташкил этиш ва унга раҳбарлик қилиш Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳамда маҳаллий ҳокимият идоралари зиммасига юклатилади. Вазирликлар ва идоралар, давлат бошқарувининг бошқа марказий идоралари, ҳокимиятлар, корхона, муассаса ва ташкилотлар Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги билан биргаликда зарур ўқув-моддий базани яратадилар, ҳарбий таълим раҳбарларининг танловини ва уларни тайёрлашни таъминлайдилар.

3. Умумий ҳарбий таълимни ўтказиш тартиби ва бу таълимдан озод этиладиган шахслар доираси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

VIII боб. «УМУМИЙ ҲАРБИЙ МАЖБУРИЯТ ВА ҲАРБИЙ ХИЗМАТ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУННИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

42-модда. «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонунни бузганлик учун мансабдор шахслар ва фуқароларнинг жавобгарлиги

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида хизмат қилиш республика ҳар бир фуқаросининг муқаддас бурчидир.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳарбий хизматдан бўйин товлаганлари тақдирда амалдаги қонунларга мувофиқ жиноий жавобгарликка тортиладилар.

«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонунни бузишда айбдор бўлган давлат идоралари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарлари, мансабдор шахслар ҳамда фуқаролар амалдаги қонунларга мувофиқ жиноий ёки маъмурий жавобгарликка тортиладилар.

IX боб. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

43-модда. Умумий ҳарбий мажбуриятни бажариш билан боғлиқ чора-тадбирларни молиявий ва моддий таъминлаш

1. Умумий ҳарбий мажбуриятни бажариш ва ҳарбий хизматни ўташ билан боғлиқ чора-тадбирларни молиявий ҳамда моддий таъминлаш амалдаги қонунларда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, тегишли ҳокимиятлар фуқароларни тиббий кўрикдан ўтказиш, уларни ҳарбий хизматга чақириш, чақирилганларни ҳарбий қисмларга жўнатиш учун мудофаа ишлари идораларини қурилмалар, алоқа воситалари, чақирув (йиғин) пунктлари, дори-дармонлар, асбоб-ускуналар, тиббиёт ва хўжалик молмулки, автомобиль транспорти билан таъминлашлари, шунингдек жамоат тартиби сақланишини таъминлашлари шарт.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари учун мутахассисларнинг ҳарбий хизматга чақирилгунга қадар тайёргарлиги Вазирлар Маҳкамаси республика бюджетдан ажратиб берадиган маблағлар, шунингдек маҳаллий бошқарув идоралари бюджетидан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан пул ва моддий-техника билан таъминланади.

3. Уруш вақтида сафарбарлик ўтказиш режаларини тўлиқ ва сифатли бажариш учун вазирликлар, идоралар, муассасалар, корхоналар ва ташкилотлар, ўқув юртлари, жамоа хўжаликлари, шўро хўжаликлари, кооперативлар тегишли ҳокимиятларнинг қарорига биноан тинчлик вақтида мудофаа ишлари бўлимлари билан биргаликда ҳарбий хизматга мажбурларни хабардор этиш пунктларини, халқ хўжалиги техникасини тўплаш пунктларини жойидаги вазифаларидан ташкил этадилар, асосий иш жойидаги вазифаларидан озод этмаган ҳолда ана шу пунктларнинг шахсий таркибини бутлайдилар.

4. Чақирув ёшига етмаганларни ҳарбий рўйхатга олиш ва фуқароларни ҳарбий хизматга ёки йиғинларга чақириш, фуқароларни тиббий кўрикдан ва такрорий кўрикдан ўтказиш, шунингдек чақирилганларни ҳарбий хизматга яроқли ёки яроқсиз эканлигини аниқлаш вазифаларини бажаришга жалб этилган мудофаа ишлари идоралари ҳузуридаги чақириш ёшига етмаганларни чақириш участкаларида қайд этиш комиссиялари аъзоларининг, чақирув комиссиялари ва врачлар комиссиялари аъзоларининг, врачлар ва ўрта тиббиёт ходимларининг, ёрдамчи ходимлар ва хизмат кўрсатувчи ходимларнинг иш жойи лавозими ва ўртача иш ҳақи юқорида ушбу ўтилган ишлар бажарилишининг бутун даврида сақлаб қолинади.

Ушбу ўтилган комиссиялардаги ишга жалб этилган тиббиёт ходимларини сақлашга кетадиган харажатлар маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Башарти, юқорида ушбу ўтилган шахслар ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни доимий истиқомат жойларидан ташқарида бажарсалар, уларнинг истиқомат жойларидан иш жойларига бориш ва орқага қайтиш, уй-жойга ижарага олиш билан боғлиқ харажатлари мудофаа ишлари идораларининг тақдимига кўра тегишли ҳокимиятлар томонидан қопланади, уларга хизмат сафарлари учун белгиланган меъёрлар бўйича суткалик ҳақ тўланади.

44-модда. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, Миллий хавфсизлик хизмати Раисининг ваколатлари

Қуролли Кучларга, Миллий хавфсизлик хизматининг чегара қўшинларига, Ички ишлар вазирлигининг ички қўшинларига ва республиканинг бошқа ҳарбий тузилмаларига чақириш ва улар сафидан бўшатиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан амалга оширилади.

Ушбу қонуннинг 6, 19 ва 26-моддаларида назарда тутилган Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирининг ҳуқуқлари тегишинча Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, Миллий хавфсизлик хизмати Раисига ҳам берилади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг, Миллий хавфсизлик хизмати Раисининг ҳарбий мажбуриятларни бажариш ва ҳарбий хизматни ўташ тартибига доир чиқарадиган меъёрий ҳужатлари ушбу Қонуннинг талабларига зид бўлмаслиги керак.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 3 июль.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қарори

«УМУМИЙ ҲАРБИЙ МАЖБУРИЯТ ВА ҲАРБИЙ ХИЗМАТ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ АМАЛГА ҚИРИТИШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни эълон қилинган дақиқадан бошлаб амалга киритилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонуннинг 23-моддаси «а» банди Ўзбекистон Республикасидан ушбу Қонун қабул қилингунга қадар муддатли ҳарбий хизматга чақирилган ҳарбий хизматчиларга ҳам тааллуқли бўлади.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси шу йилнинг 15 сентябрига қадар «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташи тўғрисида»ги Низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги икки ой муддат ичида «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида тиббий кўрик тўғрисида»ги Низомни ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси
Ш. ИЎЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 3 июль.

Халқини ўйлаган раис

ТОШКЕНТ РАЙОНИДАГИ МУҲАММАДЖОН ФОЗИЛОВ НОМЛИ ЖАМОА ХЎЖАЛИГИ РАИСИ, ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ НОИБИ, РЕСПУБЛИКАДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ХОДИМИ СИДДИҚЖОН МУҲАММАДЖОНОВ 70 ЁШГА ТЎЛДИ.

АМАЛНИ ҳар ким ҳар хил тушунади. Айримлар қандайдир йўллар билан у ёки бу вазифани эгаллаб олгач, озроқ туб қўйиб палак ёзгач, ўзим бўлсам дейди. Нари борса ёри-биродарлари-ю, қариндош-уруғларини кўзлайди. Лекин бундайлар табиийки, узоққа бормайдилар. Сув юзига пўкакдек қалқиб чиқиб қоладилар.

Амални халқнинг ишончи, меҳри, деб билганлар, халққа хизмат қилишим керак, ҳамиша халқдан қарздорман деб биладиганлар эса муқим ишлаб кета оладилар. Бугунги кунда 70 ёшга тўлган Сиддиқжон Муҳаммаджонов ана шундай фидойи инсонлардандир. У кишининг бир хўжаликка раислик қилаётганига мана бугунги кунда қирқ биринчи йил кетаяпти. 1952 йилда уни раис қилиб тайинлашганида буни сира кутмаган эди. Бригадир, ҳосулот, партия ташкилоти котиби бўлиб ишлаган йигит «ҳали тажрибам йўқ, эплай олмайман», деб тихирлик қилганида унга «Ким айтади сени Муҳаммаджон аканинг ўғли деб. Ахир отанг шу колхозда озмунча раислик қилиб жон куйдирдими? Сен унинг ёнида юриб кўзинг пишиган, эплаб кетасан, ёрдам берамиз» дейишди.

Раисликни қабул қилиб олгач, отасининг насиҳатларини йўлчи юлдуз деб билди. Ҳамиша ҳар қачон: ҳар бир ишда пок, ҳалол бўлишга, эл мулкини асраб-авайлашга, бойитишга ҳаракат қилди. Шу мақсад йўлида куч-ғайратини, тажрибасини, билимини аямади. Шу йиллар давомида колхознинг шуҳрати жумҳуриятдагина эмас Иттифоқда танилган. Хўжаликнинг айниқса узумчиликдаги тажрибаси ибрат қилиб кўрсатилди. Ижара, оила пудрати бундан 10—15 йиллар илгари шу колхозда биринчилардан бўлиб жорий этилди. Одамлар меҳнат қилгандан сўнг меҳнатига яраша ҳақ олиши керак. Яхши яшаш керак! Раиснинг шиори, фалсафаси шундай эди. Шунинг учун ҳам олинадиган соф даромаднинг асосий қисмини халққа қўшимча мукофот деб тарқатар, ойлик маош сифатида рағбатлантирар эди. Бунинг учун ҳатто «пахта иши»га сабзавот-чорва иши қўшилиб қолган 80-йилларда раис «қаттиқ гап эшитиб олди». Сен колхоз мулкини талон-тарож қиляпсан, тарқатиб юбораяпсан, деб ўша пайтдаги вилоятнинг айрим раҳбарлари қисувга олишди. Лекин улар ҳар қанча қилдан қийиқ қидирмасинлар, заррача айб тополмадилар. Ҳаммаси ҳисоб-китобли эди. Халқнинг ўзи уни ҳимоя қилди.

Сиддиқжон ака фаоллар, қариялар, тажрибакорларга суяниб иш олиб боради. Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида айниқса ногиронлар, боқувчисидан ажралганларни ҳимоя қилишга алоҳида эътибор беряпти. Янги келин-куёвлар учун имтиёзлар белгиланган. Бунинг учун ҳар йили олинадиган даромадидан маълум қисми ажратилмоқда.

Бозор иқтисоди кўп хўжаликларнинг фаолиятини издан чиқариб, айқаш-уйқаш қилиб юборди. Лекин Сиддиқ ака бунга йўл қўймади: «биз битта йўлдан боришимиз керак, у ҳам бўлса, маҳсулотни хом ашё ҳолида эмас, қайта ишлаб сотишимиз лозим». Шундай қилинмоқда. Ҳар куни беш тонна сут қайта ишланиб қаймоқ, сузма ва бошқа маҳсулотларга айлантириб сотилади. Чорвачилик фойдали тармоққа айланганлигининг боиси ҳам шунда. Вино заводи қурилиб ишга туширилмоқда. Яна кўплаб ёрдамчи хўжаликлар бор. Колхозчининг ўртача ойлик маоши бир ярим мингдан уч минггача тўғри келади. Бу кам, дейди раис. Уни 3,5—4 минг сўмга олиб чиқмоқчимиз.

...Ана шунақа. Ёшлари 70 га тўлган бўлса ҳам халқ ғамини еяпти. Айримларга ўхшаб буёғига фақат ўзимнинг роҳат-фароғатимни кўзлашим керак деган фикрни хаёлига ҳам келтирмайди. Халқини ўйлаган одам эса қаримайди. Умри узоқ бўлади.

Н. РИХСИЕВ.

• *Изланиш*

МУҚАДДАС ҲИРҚА ҚАЕРДА?

Қизил империя маҳаллий аҳолининг динидан айириш учун чинакамига кураш бошлаган шароитда лангарликлар ота-боболари руҳи, эътиқодларидан эсдалик сифатида муқаддас хирқани асраб-авайлаб сақлашарди. Уларнинг ёлғизгина ҳирқаи-мубораклари бор эди. Бор-будидан ажраган халқ ана шу ёдгорликка сиғиниб ва суяниб яшардилар. Ҳирқаи-муборак Лангар масжидининг энг тўрида осиғлик турар, зиёратга келганлар уни юз-кўзларига суртиб, тоат-ибодат қилишар, муқаддас либоснинг руҳи, мадади уларга ишонч бағишлар, куч ато этар эди.

Муқаддас ҳирқа, пирлар киядиган кулоҳ ҳамда усмонли Қуръондан нусха кўчирилган, ҳар қандай тарихий кўргазмаларни безашга арзирли санъат асари ҳисобланган, тери муқовали, ажойиб безакларга бой китоб Лангарга қандай келиб қолган?

Жумҳуриятимизда учта Лангар қишлоғи мавжуд. Улар Нурота, Чироқчи ва Қамаши районлари ҳудудида жойлашган. Ҳар учала Лангар қишлоғи ҳам тоғлар бағрида бўлиб, фусункорлик ва баҳаволикда бир-биридан қолишмайди. Ҳар учала Лангарда ҳам меъморчилик обидалари, муқаддас хонақо, йирик масжидлар бор. Уларнинг энг йириги ва бизгача яхши етиб келгани, санъат асари даражасига кўтариб, бунёд этилгани ҳам Қамаши районидаги Лангар қишлоғида. Хонақога мана шу жойларда муқаддас қадамжолар бунёд этган ва пирлар даражасига етишган Муҳаммад Содиқ шайх ҳазратлари ва у кишининг яқинлари дафн этилган.

Хонақога ёндош иккинчи бир тепаликда ҳамон ўз кўрк ва салоҳиятини сақлаб қолган масжид қад кўтариб турибди. Бир пайтлар масжид ҳам қаровсиз ҳолга келиб қолган, ҳатто, бир қисми ўпирилиб ҳам тушганди. Масжидни таъмирлаш тақиқлаб қўйилгани туфайли бу муборак даргоҳ анча вақт ярим вайрона ҳолича, хўжаликка омбор сифатида хизмат қилди. Қадриятларимизнинг қайтиши билан, савобталаб яхшилар масжидни тузатишга киришдилар. Томи тунука билан қопланди, емирилишга барҳам берилди.

Масжиднинг тўрида Муҳаммад Содиқ шайх ҳазратларига Маккаи Мукаррамадан юборилган ҳирқа осиғлиқ турган. Ҳирқа одамларга шайх ҳазратларининг руҳларини улашиб, уларга мададкор бўлган.

Ўзбек давлат Қомуси таҳририяти томонидан 1989 йили чоп эттирилган «Ислом справочниги»да ҳирқа-арабча сўз бўлиб, сўфийлар киядиган, жундан тайёрланган устки кийим, либос маъносини беради, дейилган. Ҳирқа одатда сўфийликда пирдан шогирдга ўтган ва узоқ вақт фойдаланилган. Айтишларича, Муҳаммад Содиқ шайх ҳазратлари ўзининг юриш-туриши, ўткир нафаслиги, одамларга беминнат хизмат кўрсатгани эвазига обрўси ошиб, уннинг овозаси, ҳатто Маккаи Мукаррамага етган. У ердаги пирлар ҳазратга ҳирқа ва кулоҳ, махсус тайёрланган Қуръон жўнатишган экан.

Олти юз йил аввалги воқеалар шаҳиди Қуръон, хирқа ва кулоҳ қатағон йилларида ёт кўзлардан сақлаш учун масжиддан олиниб, дастлаб лангарлик Маматқул Абдуллаевлар хонадонида асралди. Қирғин йиллари у шаҳид кетди, отилди. Шундан сўнг Қуръон, ҳирқа ва кулоҳ Тўхтабобо Ражабов оиласида туради. Тўхтабобо муборак ҳирқа учун махсус сандиқ ясатади.

Худосизлик авжга чиққан, одамларни динсизлантириш, эътиқодидан қайтариб, уларга коммунистик руҳ сингдириш айни авж олган кезларнинг бирида, 1983 йил ёзида Лангарга Тўхтабобо хонадонига давлат хавфсизлик қўмитасининг масъул ходими Мейли Қобулов раҳбарлигида бир неча киши ташриф буюришди. Улар бу ерликларни сўнгги илинжидан, ҳирқадан жудо этиш учун келишганди. Маҳаллий атеистларга ҳам шу керак эди. Вакиллар аввал дўқ уришди, кейин ялинишди, ялтоқланишди, алдовли гапларни аяшмади. Бу ўринда, айниқса, халқни дин ва эътиқодидан, ўтмишидан тезроқ жудо этиш илинжида юрган Қамаши район ижроия қўмитаси раисининг ўринбосари Очил Бекмуродов, Лангар қишлоқ кенгашининг раиси Суяр Тошевлар катта жонбозлик кўрсатдилар. Улар юқоридан келган масъул вакилнинг олдига тушиб, ҳирқа ва Қуръонни хурофот сарқити, деб эълон қилишди. Хурофотни сақлаган ва тарғиб этган кишилар жиноят кодексининг алла-қайси моддалари билан жиноятчи деб эълон қилиниши ва қамоққа олиниши лозимлигини айтишганда, Тўхтабобонинг бола-чақаси бараварига ввос тортиб юборишди. Бобо ҳам тош эмасди. Айниқса, болаларининг чирқиллаб қолишини кўз олдига келтириб, таслим бўлмасдан бошқа илож тополмайди. Шундай қилиб, давлат хавфсизлигига ҳеч қандай хавф-хатар етказмай турган либослар ва Қуръон қўлга киритилди ва Қашқадарё вилояти давлат хавфсизлик қўмитасига келтирилди.

Лангар қишлоқ кенгаши ҳудудида ўттизга яқин қишлоқлар бор. Қўшни Туркманистон ва Тожикистон жумҳуриятларидан, Самарқанд, Бухоро, Сурхондарё вилоятларидан зиёратчилар келиб туришади. Муқаддас ҳирқаи-муборак, Қуръон ва кулоҳнинг олиб кетилгани оғиздан-оғизга ўтиб, барчага маълум бўлди. Норозиликлар кучайди. Зиёратчилар ўзларини қандайдир куч бағишлаб, мадад бериб турган нарсасидан айрилгандек, қалблардаги ишонч суғуриб олинганидек ҳис этдилар. Лекин ўша пайтда халқ изтироблари билан давлат хавфсизлик қўмитаси ҳам, бошқа обрўли идоралар ҳам ҳисоблашиб ўтирганлари йўқ.

Лангарликлар ҳам, Тўхтабобо ҳам алдангарликларини кейинроқ тушуниб етишди. Улар пири-муршидларига тегишли либослар ва Қуръоннинг қайтарилишини талаб қилиб, бот-бот юқорига ташкилотларга мурожаат этдилар. Лекин қизил империя сардорлари уларнинг нолаларига парво ҳам этганлари, қиё боққанлари йўқ.

Мустақиллигимиз эълон қилинди, қадриятларимиз қайтмоқда. Лекин ҳамон лангарликларнинг ота-боболаридан мерос қолган ҳирқаи-муборак билан кулоҳ эгаларига қайтган эмас. Бундан бир неча муддат муқаддам Қашқадарё вилояти ҳокими Т. Хидировнинг саъй-ҳаракатлари билан усмонли Қуръонидан нусха кўчирилган, тери муқовали китоб Лангар масжидига қайтарилди. Ҳокимнинг ўзи бу муқаддас китобни масжидга келтириб топширди. Китоб билан бирга олиб кетилган ҳирқа билан кулоҳдан эса ҳамон дарак йўқ.

Пўлат ГАДОЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Яна бир неча кундан кейин мактабларда биринчи қўнғироқ жаранглаб, янги ўқув йили бошланганидан дарак беради. Ҳозирча ота-оналар, ўқувчилар ана шу кунга атаб ўқув қуролларию анжомларини сотиб олиш билан банд. Савдо ташкилотларининг мутасаддилари эса уларнинг мушкулини енгиллатиш ҳақида ғамхўрлик қилишди: ҳамма жойда «Мактаб бозори» ташкил этилди.

СУРАТЛАРДА: Тошкентдаги «Болалар дунёси» магазинида очилган «Мактаб бозори»да.

Р. АЛЬБЕКОВ олган суратлар.

• ЭЪЛОН

ҲАЙКАЛТАРОШЛАР, РАССОМЛАР, БЕЗАКЧИ ВА ДИЗАЙНЕРЛАР

ДИҚҚАТИГА!

Сизга ўз ижодий имкониятларингизни амалга оширишдай ажойиб

ШАРОИТ ЯРАТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият Миллий Банки реконструкция ва ривожланиш Европа Банки номидан Европа Банкининг Лондондаги янги штаб-квартирасининг энг яхши интерьер лойиҳаси учун танлов эълон қилинганлигини билдиради.

Танлов шартларига биноан иккинчи босқичга ўта олган барча қатнашчилар 2000 экю (2758 АҚШ доллари) миқдорида компенсация оладилар. Танлов ғолиби 6000 экю (8274 АҚШ доллари) миқдоридаги мукофотга, иккинчи ўрин соҳиби эса 4000 экю (5515 АҚШ доллари)га сазовор бўладилар.

Европа Банкининг таклифи билан қизиққанларни Миллий Банкка мурожаат қилишларини сўраймиз, у ерда Сиз танлов шартлари билан яқиндан танишишингиз мумкин.

Манзилимиз: 700047, Й. Охунбобоев кўчаси, 23.

Телефонлар: 33-18-45, 33-65-58.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлиги раҳбарияти, ҳайъати ва барча шахсий таркиби вазир ўринбосари Равшан Ҳайдарович Ҳайдаровга ўғли **РУСТАМЖОНнинг** бевақт ҳалок бўлганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

● ТЕЛЕФОНЛАР:
маълумот учун 33-07-48;
эълонлар бўлими 32-09-25.
Индекс: 64608. Буюртма Г—197.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси.

Бош муҳаррир Анвар ЖУРАБОЕВ.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Карим БАҲРИЕВ, Эсиргап БОЛИЕВ (масъул котиб, «Халқ сўзи»), Сапоҳиддин МУҲИДДИНОВ, Зоҳид НОРМУҲАММЕДОВ, Ҳабибулла ОЛИМЖОНОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Лев ПАК (бош муҳаррир ўринбосари, «Народное слово»), Абдукарим РАҲИМБЕРДИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Халқ сўзи»), Қулаҳмад РИЗАЕВ, Эркин САМАНДАР, Азим СУЮН, Александр ТЮРИКОВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Народное слово»), Александр УЛИЧКИН (масъул котиб, «Народное слово»), Муҳтарама УЛУҒОВА (бош муҳаррир ўринбосари, «Халқ сўзи»), Раим ФАРҲОДИЙ, Шавкат ЯҲЁЕВ, Пиримқул ҚОДИРОВ, Саидаҳрор ҒУЛОМОВ.

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП
Тошкент шаҳри,
Ленинград кўчаси, 19-уй.

● Таҳририятга ҳажми 7 қоғоздан ошган материаллар қабул қилинмайди. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концернининг босмахонаси. Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди 20.00. № Г—298 тираж 25376. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.